30 АВГ 1991 ОБМОЛНО

Халқ дениздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир!

ХАЛК СЎЗИ

خلق سوزی

ҲИЖРИЙ: ҚАМАРИЙ, 1412 ЙИЛ, САФАР, 14-КУН.
ШАМСИЙ, 1370 ЙИЛ, СУМБУЛА, 9-КУН.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РЎЗНОМАСИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган | 1991 йил 27 август, сешанба 164-сон | НАРХИ | ОБУНАЧИГА 7 ТИЙИН. СОТУВДА 10 ТИЙИН.

М. С. ГОРБАЧЕВнинг баёноти

КПСС Марказий Комитетининг Котибияти, Сиёсий бюроси давлат тўнтаришига қарши чиқмадилар, Марказий Комитет қатъий қоралаш ва қаршилик кўрсатиш позициясига ўта олмади, коммунистларни конституциявий қонунийлик оёқости қилинишига қарши курашга отлантирмади. Фитначилар орасида партия раҳбариятининг аъзолари бор эди, бир қанча партия комитетлари ва оммавий ахборот воситалари давлат жиноятчиларининг хатти-ҳаракатларини қўллаб-қувватладилар. Бу эса миллионлаб коммунистларни ўғайсиз аҳволга солиб қўйди.

Кўпгина партия аъзолари фитначилар билан ҳамкорлик қилишдан бош тортдилар, тўнтаришни қоралаб ва унга қарши курашга қўшилдилар. Барча коммунистларни ёппасига айблашга ҳеч кимнинг маънавий ҳуқуқи йўқ ва Президент сифатида мен уларни фуқаролар сифатида асоссиз айблашлардан ҳимоя қилишни ўз бурчим, деб биламан.

Мана шундай вазиятда КПСС Марказий Комитети ўзини ўзи тарқатиб юбориш ҳақида қийин бўлса ҳам, виждонан қарор қабул қилиши керак. Республика Компартиялари ва маҳаллий партия ташкилотларининг тақдирини уларнинг ўзлари белгилайдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби вазифаларини бундан буён бажаришни ўзим учун имконсиз, деб ҳисоблайман ва тегишли ваколатларни зиммамдан соқит қиламан. Конституциявий қонунийликка, жамиятни янгилаш йўлига содиқ бўлиб қолган демократик кайфиятдаги коммунистлар барча тараққийпарвар кучлар билан биргаликда меҳнат аҳлининг манфаатлари йўлида туб демократик ўзгартишларни давом эттиришга фаол қўшила оладиган янги асосларда партияни барпо этиш тарафдори бўлиб чиқишларига ишонаман.

М. ГОРБАЧЕВ.

1991 йил 24 август.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Мамлакатда вужудга келган аҳволни эътиборга олиб ва республика манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида:

1. Республика Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлиги комитети Ўзбекистон ССРнинг қонуний тасарруфига олинсин.

2. Мазкур идораларнинг раҳбарлари икки ҳафта муддат ичида Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлиги комитети органларининг мақоми ҳамда Низомини қайтадан кўриб чиқиб, биринчи навбатда республика ва унинг фуқаролари хавфсизлигини, манфаатларини муҳофаза қилишни назарда тутсинлар.

3. Республика ҳудудида жойлашган СССР Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлари бевосита Ўзбекистон ССР Президентига бўйсундирилсин.

4. Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатига жуда қисқа муддатда республиканинг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги Қонун лойиҳасини тайёрлаш ва уни Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси муҳокамасига тақдим этиш таклиф қилинсин.

5. Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлиги комитети, прокуратураси ва адлия органлари,шунингдек, республика ҳудудида жойлашган ички қўшинлар, Туркистон ҳарбий округи қисмлари ва қўшилмалари партиядан ҳоли қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, бундан буён юқорида кўрсатилган органлар ва муассасаларда сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг янги ташкилий тузилмаларини вужудга келтиришга йўл қўйилмайди.

6. Мазкур маҳкамаларнинг раҳбарлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари билан биргаликда ушбу Фармон муносабати билан ишдан бўшайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун барча чораларни кўрсинлар.

Ушбу Фармон имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 25 август.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг ФАРМОНИ

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ МОЛ-МУЛКИ ТЎҒРИСИДА

1. Халқ депутатлари Советлари КПССнинг мол-мулкини муҳофазага олсинлар. Бундан буён ундан фойдаланиш масалалари мол-мулк ва жамоат бирлашмалари тўғрисидаги СССР ва республикаларнинг қонунларига қатъий мувофиқ равишда ҳал қилиниши керак.

2. Амалдаги қонунларга биноан халқ депутатлари Советлари ўз фаолиятини тўхтатадиган партия комитетлари ходимларини ишга жойлаштириш ва уларнинг ижтимоий таъминоти чора-тадбирларини кўрсинлар. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва бошқа давлат идоралари фуқаролик ҳуқуқларининг бирон-бир тарзда бузилишига йўл қўймасинлар.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президенти

М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1991 йил 24 август.

КПСС МАРКАЗИЙ НАЗОРАТ КОМИССИЯСИ РАЁСАТИ БЮРОСИНИНГ ҚАРОРИ

ҒАЙРИКОНСТИТУЦИЯВИЙ ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ ДАВЛАТ КОМИТЕТИГА КИРГАН КПСС АЪЗОЛАРИНИНГ ПАРТИЯВИЙ МАСЪУЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА

1. Ғайриконституциявий фавқулодда давлат комитети таркибига кирган раҳбар коммунистлардан О. Д. Бакланов, В. А. Крючков, В. С. Павлов, Б. К. Пуго, В. А. Стародубцев, А. И. Тизяков, Д. Т. Язов, Г. И. Янаевлар КПСС Уставининг партия барча ташкилотлари, ҳар бир коммунист Конституция ва совет қонунлари доирасида ҳаракат қилишга мажбурлигини белгилаб қўйган принципиал талабини қўпол равишда бузганликлари таъкидлансин. Улар эўравонлик билан М. С. Горбачевни мамлакат ва партияга раҳбарлик қилишдан четлатдилар, КПСС XXVIII съезди қарорларини оёқости қилдилар.

Давлат тўнтаришини ташкил этганликлари учун КПСС аъзолари О. Д. Бакланов, В. А. Крючков, В. С. Павлов, В. А. Стародубцев, А. И. Тизяков, Д. Т. Язов, Г. И. Янаев партиядан ўчирилсин. Б. К. Пуго ўз жонига қасд қилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ва Котибияти айрим аъзоларининг шу даврдаги хатти-ҳаракатлари партиявий текширишдан ўтказилсин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг ФАРМОНИ

СССР ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ТЎҒРИСИДА

1. СССР Вазирлар Маҳкамаси ўзининг конституциявий бурчини бажармаганлиги ва давлатга қарши фитнани бардош этиш учун зарур чораларни кўрмаганлиги, Маҳкаманинг айрим аъзолари эса бу фитнада бевосита қатнашганликлари муносабати билан «СССР Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги СССР Қонунининг 14-моддасига биноан СССР Олий Кенгаши олдига СССР Вазирлар Маҳкамасига ишонч тўғрисидаги масалани қўяман.

2. Мамлакат халқ хўжалигини республикалар билан биргаликда оператив бошқаришни ташкил қилиш учун И. С. Силаев (раҳбар), А. И. Вольский, Ю. М. Лужков, Г. А. Явлинский (ўринбосарлар) бошчилигида комитет тузилсин. Уларга комитет аъзолари таркибини белгилаб, икки кун муддатда аниқ иш соҳаларига раҳбарлик учун масъул кишиларни тайинлаш топширилсин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президенти

М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль
1991 йил 24 август.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг ФАРМОНИ

Д. А. КОМАРЬ, И. М. КРИЧЕВСКИЙ ВА В. А. УСОВГА СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Демократияни ва СССР конституциявий тузумини ҳимоя қилиш чоғида мардлик ва инсоний жасорат кўрсатганлиги учун қуйидагиларга вафотидан сўнг **Совет Иттифоқи Қаҳрамони** унвони берилсин.

Комарь Дмитрий Алексеевич

Кричевский Илья Маратович

Усов Владимир Александрович.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президенти

М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1991 йил 24 август.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг ФАРМОНИ

СССР ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИДА ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ИДОРАЛАРИДА ҲАМДА ДАВЛАТ АППАРАТИДА СИЕСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА СИЕСИЙ ҲАРАКАТЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТЎХТАТИШ ТЎҒРИСИДА

1. СССР Қуролли Кучларида, СССР Ички ишлар вазирлигида, СССР Давлат хавфсизлиги комитетида, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идораларда, темир йўл қўшинларида ҳамда бошқа барча ҳарбий тузилмаларда ва давлат аппарати органларида сиёсий партияларнинг ва сиёсий ҳаракатларнинг фаолияти тўхтатилсин.

2. Мазкур тузилмалар ва идораларда ишлаб турган сиёсий партиялар ва сиёсий ҳаракатларнинг аъзолари ўз сиёсий фаолиятда қатнашиш конституциявий ҳуқуқини шу органлардан ташқарида ва хизматдан ташқари вақтда амалга оширадилар.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президенти

М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль
1991 йил 24 август.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг ФАРМОНИ

Е. И. ШАПОШНИКОВНИ СССР МУДОФАА ВАЗИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Евгений Иванович Шапошников СССР мудофаа вазири этиб тайинлансин. Ушбу қарор СССР Олий Кенгаши сессиясининг муҳокамасига қўйилсин.

Е. И. Шапошников ҳарбий-ҳаво кучлари Бош қўмондони вазифасидан озод қилинсин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президенти

М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1991 йил 23 август.

СССР Олий Кенгашининг ҚАРОРИ

СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ БЕШИНЧИ СЪЕЗДИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Кенгаши **қарор қилади:**

СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари бешинчи съезди 1991 йил 2 сентябрь куни Москва шаҳрида чақирилсин.

СССР Олий Кенгаши.

Москва, Кремль.
1991 йил 26 август.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси ва Марказий назорат комиссиясида

26 август куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси билан Марказий назорат комиссияси раёсатининг кенгайтирилган мажлиси бўлди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов 19—21 августдаги ғайриконституциявий тўнтариш кунларида Компартия раҳбариятининг хатти-ҳаракатлари тўғрисида ахборот берди.

СССР Олий даражадаги давлат амалдорлари гуруҳидан иборат фавқулодда ҳолат давлат комитети ҳокимиятни жинояткорона босиб олган дастлабки соатлардаёқ республика раҳбарияти партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотларини, барча коммунистларни осойишталикни сақлаш ва сабр-тоқатли бўлишга чақирдилар, халқ депутатлари Советлари билан биргаликда барқарор ижтимоий-сиёсий вазиятни сақлаб қолиш, республика ҳудудида фавқулодда ҳолат жорий этилишига йўл қўймаслик, ғайриконституциявий, ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашга даъват этувчи иғвогарона чақириқларга берилмаслик учун ўз обрў-эътибори ва таъсиридан фойдаландилар.

Ҳар қандай муаммоларни ҳал этишда куч ишлатиш, биринчи навбатда ҳарбий куч ишлатиш йўл қўйиб бўлмайдиган восита эканлиги қатъий тарзда айтилди. Партия ташкилотлари, уларнинг сайлаб қўйилган идоралари, коммунистлар ўз ор-номуси ва қадр-қимматига дахлдор муаммоларни танклар ва баландпарвоз чақириқлар билан ҳал этиб бўлмаслигини қатъий равишда айтдилар.

Партия комитетларига, совет ва давлат идораларига, Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларига бугунги кунда партия аъзоларидан, меҳнаткашлардан, аҳоли турли табақалари вакилларидан кўпдан-кўп хатлар келмоқда. Бу хатларда республика Президенти, Марказий Комитет биринчи котибининг Ўзбекистон халқига қилган Мурожаатидаги, Олий Кенгаш Раёсати, Вазирлар Маҳкамаси баёнотидаги, шунингдек, республика Компартияси Марказий Камитети Бюроси билан Марказий назорат комиссияси раёсатининг тўнтариш муносабати билан берган баёнотидаги фикрлар ва хулосалар қўллаб-қувватланади. Бу баёнотларнинг ҳаммаси республика ва Компартия тақдири учун ташвиш билан йўғрилган. КПСС Марказий Комитети, Сиёсий Бюроси ва Котибияти раҳбарларидан ортодоксал қисмининг қўрқоқлиги, принципсизлиги ва жиноятқорона хатти-ҳаракатлари натижасида юзага келган вазиятга ҳеч ким бефарқ қараб туролмайди.

Мажлисда Ўзбекистон Компартияси ўзининг XXII съездида ва КПССнинг XXVIII съездида (ўртоқ И. А. Каримов нутқида) Ўзбекистон Компартияси — ўз Устави ва Дастурига эга бўлган мустақил партия бўлиб, ўз ҳудудидаги барча масалаларни мустақил ҳал этишини қатъий равишда ва принципиал тарзда айтганлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси билан Марказий назорат комиссияси раёсатининг кенгайтирилган мажлиси қатнашчилари ўша фожиали кунларда республика партия раҳбариятининг амалда қилган ишларини маъқулладилар. Айни вақтда КПСС Марказий Комитети олий раҳбарларини кескин қоралаб, Бюро ва Раёсат 28 августгача бўлган даврда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Марказий назорат комиссиясининг қўшма Пленумини чақиришга қарор қилди, унда республика Компартияси КПСС Марказий Комитети билан алоқасини тўла узиши ва КПССнинг барча тузилмаларидан чиқиши, ўз вакилларини КПССнинг сайлаб қўйилган органларидан чақириб олиши ва кейинчалик бу қарорни Компартиянинг фавқулодда съездида тасдиқлаши тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқиши керак. Бу қарорлар партия ва унинг аъзолари тақдирини аниқлаб бериши мумкин. Ҳаёт Компартия партия аъзолари тақдирини ўз қўлига олган мустақил сиёсий ташкилот сифатида ўзини кўрсатишини қатъиян тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Компартиясининг фавқулодда XXIII съездига тайёргарлик кўриш учун ваколатли комиссия тузиш тўғрисидаги масалани пленум муҳокамасига киритиш ҳақидаги таклиф қабул қилинди. Унда партиянинг номини ўзгартириш, дастурий мақсадлари, Устави жамиятдаги фаолиятининг шакл ва услубларини тубдан кўриб чиқиш назарда тутилмоқда.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатида

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси ўртоқ Ш. М. Йўлдошев Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши қабул қилган республиканинг Мустақиллиги тўғрисидаги декларацияга асосланиб, Ўзбекистон ССР Президенти ўртоқ И. А. Каримовнинг Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш зарурлиги ҳақидаги таклифини қўллаб-қувватлаб, шу йил 26 августда «Ўзбекистоннинг Давлат мустақиллиги тўғрисида»ги Қонунни маромига етказиш учун ишчи гуруҳи тузиш ҳақида фармойиш чиқарди.

Ушбу ҳужжатни республика Олий Кенгаши муҳокамасига олиб чиқиш ҳақида таклиф киритиш мақсадида ишчи гуруҳига лойиҳа устидаги ишнинг бориши тўғрисида Раёсатга уч кун ичида ахборот бериш топширилди.

ОНАЛАР ИСТАГИ

Кутилмаганда Президентимиз М. Горбачевнинг «соғлиги ёмонлашганлиги»ю мамлакатимизда Фавқулодда комитет тузилиши барча қаторимизни ҳам ғангитиб қўйди.

Шукрким, ҳақ жойида қарор топди. Нолок ишларнинг кети кўриниб қолди. Халқимизнинг, қайта қуриш ва демократиянинг душманлари эл-юрт олдида муносиб жазосини олишларига ишонаман. Оғир ва синовли дақиқаларда халқимизнинг бир тан, бир жон бўлиб жипслашгани учун ҳам демократия сақлаб қолинди. СССР Конституциясига хилоф равишда қилинган хатти-ҳаракатлар кескин қораланди.

Демократияни ҳимоя қилиш, унинг ижодкорини ҳам қўллаб-қувватлашдир. Имону эътиқодимиз, иродамизни синовдан ўтказган кунлар тарихга зарҳал ҳарфлар билан битилажак. Биз эса қайта қуриш ва ошкоралик йўлидан оғишмай боравермиз. Бу нафақат менинг, балки мен билан ишлаётган барча оналарнинг истагидир.

З. ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар паррандачилик-наслчилик совхози ишчиси.

Мирзачўлни ўзлаштиришга киришилганлигининг 35 йиллигига

ТАШКИЛОТ КОМИТЕТИНИНГ МАЖЛИСИ

Тошкентда Мирзачўлни ўзлаштиришга киришилганлигининг 35 йиллигини байрам қилиш юзасидан республика ташкилот комитетининг мажлиси бўлди. Мажлисни Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков бошқарди.

Мажлисда таъкидлаб ўтилганидек, Мирзачўлни ўзлаштириш республика ана шу минтақасини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг бошланишигина эмас, айни пайтда Ўзбекистонда суғорма деҳқончиликни янада ривожлантиришнинг негизи ҳам бўлди. Мирзачўлда янги ерларни ўзлаштиришда орттирилган жаҳон миқёсида бетакрор тажриба кейинчалик Қарши ва Шеробод даштларида неча миллионлаб гектар қўриқ ерни оборотга киритиш, неча ўнлаб шаҳар ва қўрғонлар, юзлаб кўп тармоқли бақувват давлат хўжаликлари бунёд этиш, ривожланган ёрдамчи соҳаларни вужудга келтириш имконини берди. Кўплаб мутахассислар учун Мирзачўлни ўзлаштириш касб маҳоратини оширишнинг яхши мактаби бўлди.

Эндиликда Жиззах ва Сирдарё вилоятларидаги собиқ даштларда ўзлаштирилган қарийб 440 минг гектар ер юз минглаб одамларни иш билан таъминлаяпти, бу ерлардан ғалла, сабзавот ва мева, гўшт ва сут, турли саноат маҳсулотлари барқарор етказиб берилишига кафолат бермоқда. Ўзбекистонда етиштирилаётган пахтанинг бешдан бир қисми ана шу ерларда ўстирилмоқда. Мирзачўлда қишлоқ хўжалик ишларини механизациялашнинг юксак даражасига ва энг юқори меҳнат унумдорлигига эришилди. Сўнгги 35 йил мобайнида республикада 1,7 миллион гектардан кўпроқ янги суғорма ерлар ўзлаштирилди, бу ерларда эндиликда Ўзбекистон аҳолисининг 40 фоиздан кўпроғи яшамоқда ва меҳнат қилмоқда.

Шуларни назарга олиб, юбилейни ўтказиш республика ташкилот комитети жумҳуриятда ана шу воқеани кенг нишонлашга қарор қилди. Байрам 30 август куни Янгиерда бошланади, шундан кейин юбилей тадбирлари Мирзачўлнинг бошқа шаҳарлари ва қўрғонларида давом этади, деб қарор қилинди. Шу кунларда икки вилоят меҳнаткашларининг ютуқлари билан Ўзбекистоннинг бошқа минтақаларидан, шунингдек, қўшни республикалардан келган меҳмонлар танишадилар. Мамлакатнинг бошқа минтақаларидан ҳам дастлабки чўлқуварлар таклиф этилади. Тантаналар 7 сентябрь куни Гулистон шаҳрида якунланади.

Ташкилот комитетининг мажлисида юбилей тантаналарини ташкил этиш, тантана қатнашчиларини транспорт ва хизматнинг бошқа турлари билан таъминлаш, маданий режани амалга ошириш юзасидан тадбирлар белгиланди.

Республика оммавий ахборот воситаларига Мирзачўлни ўзлаштириш бошланганлигининг 35 йиллиги байрамини кенг ёритиш, унинг Ўзбекистон ССРни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги аҳамиятини кўрсатиб бериш, одамларни Ўзбекистон сув хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг ютуқлари билан таништириш таклиф этилди.

(ЎзТАГ).

СССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси очилди

Кеча Москвада ССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси эрталаб соат 10.00 да СССР Олий Кенгаши палаталарининг Кремлдаги мажлислар залида очилди. Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг қўшма мажлисида СССР Президенти М. С. Горбачев, жумҳуриятларнинг раҳбарлари қатнашмоқдалар. Эрталабки мажлисни Иттифоқ Совети Раиси И. Лаптев очди.

Сессияда СССР Олий Кенгаши Раиси А. И. Лукьяновнинг парламентга Мурожаатномаси ўқиб эшиттирилди. Унда бундай дейилади: «Менга қарши қўйилаётган ва мен қатъиян рад этаётган айблар муносабати билан ҳозирги вақтда ўзимнинг СССР Олий Кенгаши Раиси лавозимимда қолишим мумкин эмас, деб ҳисоблайман. Бу айблар синчковлик билан холис текширилишини, менинг инсоний қадр-қимматим қонуний тарзда ҳимоя қилинишини сўрайман». Раислик қилувчининг айтишича, Лукьянов СССР Президентига ҳам шундай илтимоснома йўллаган.

* * *

СССР Олий Кенгашининг бир гуруҳ депутатлари СССР вице-президенти лавозимига А. Н. Яковл.в номзодини, СССР ташқи ишлар вазири лавозимига эса Э. А. Шеварднадзе номзодини кўрсатдилар. Бу таклиф, депутатларнинг сўзларига қараганда, улар М. С. Горбачев билан биргаликда қайта қуришни бошлаганликларига, давлат тўнтариши кунларида эса ниҳоятда юксак даражада масъулиятни ҳис этиб, фуқаролик позициясини эгаллаганларига асосланади.

* * *

Депутатлар анча давом этган ва қизғин мунозаралардан сўнг кун тартибини қабул қилдилар. Кун тартибига СССР Президентининг мамлакатда рўй берган давлат тўнтариши муносабати билан юзага келган вазият тўғрисидаги ахбороти, СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари съездини чақириш, 18—21 августда рўй берганига ўхшаш воқеаларнинг такрорланиш эҳтимолини истисно этадиган биринчи навбатдаги тадбирлар ва қонун ҳужжатлари рўйхати тўғрисидаги, СССР ҳукумати ва бошқа давлат органлари таркибидаги ўзгаришлар, СССР Олий Кенгаши, парламент айрим комитетлари ҳамда комиссияларининг, СССРдаги давлат ва ижтимоий-сиёсий ташкилотларнинг 1991 йил 18 августда ва ундан кейинги кунларда рўй берган воқеалардаги раҳбарлик ролига баҳо бериш тўғрисидаги масалалар киритилган. СССР Олий Кенгаши аппаратини зудлик билан қайта ташкил этиш зарурлиги тўғрисидаги масала ҳам кун тартибига киритилган.

* * *

СССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида нутқ сўзлаган мамлакат Президенти М. С. Горбачев давлат хавфсизлик органларини қайта ташкил этишни, давлат хавфсизлик комитети чегара қўшинларини СССР Мудофаа вазирлиги таркибига киритишни таклиф қилди. У шунингдек, парламентга Давлат хавфсизлик комитети тўғрисидаги Қонуннинг амал қилишини тўхтатиб қўйиш ҳамда давлат хавфсизлиги органларининг бўлажак ислоҳоти негизида мазкур Қонунни қайта ишлаб чиқиш ҳақида таклиф киритди.

Сессия СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари съездини 2 сентябрда чақиришга қарор қилди.

(ТАСС).

ДЎСТЛИК-УЛКАН ХАЗИНА

Сиз шу йилнинг 17-19 август кунлари Ҳиндистон ҳукуматининг таклифига биноан Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов бошлиқ республика ҳукумат делегациясининг Ҳиндистонга қилган расмий ташрифи, қабул қилинган битимлар тўғрисидаги ҳужжатлар ва мақолалар билан яқиндан танишгансиз. Бугун эса биз делегациянинг дўст мамлакатга сафари ҳақидаги суратларни қисқа хабарлар билан эътиборингизга ҳавола этаяпмиз.

ПРЕЗИДЕНТЛАР УЧРАШУВИ

Деҳлидаги энг гўзал ва ўзига хос миллий услубда қурилган обидалардан бири Ҳиндистон Президенти саройидир. Бу ерда Ҳиндистон жумҳурияти Президенти Рамасвами Венкатараман Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримовни қабул қилди ва дўстона суҳбатлашди. Ҳиндистон Президенти Ўзбекистондан келган меҳмонни қутлаб, ҳинд ва ўзбек халқларининг дўстлиги жуда қадим замонларга бориб тақалишини алоҳида таъкидлади.

— Сизнинг Ҳиндистонга қилаётган биринчи сафарингиз Совет Иттифоқида амалга оширилаётган янгича сиёсатнинг самарали мевасидир, — деди Венкатараман. — Ҳинд халқининг асл фарзанди Жавоҳарлаъл Неру Ўзбекистонга бир неча марта сафар қилган ва у ўзбек халқини ғоят севар эди. Тинчлик, демократия ва қайта қуриш туфайлигина халқларимиз ўз олдиларида турган мақсадларига эришишлари мумкин.

— Жаноб Президент, — деди И. А. Каримов суҳбатда, — бизни мамлакатингизга таклиф қилиб, олий даражада кутиб олганликларингиз учун делегация аъзолари номидан миннатдорчилик билдираман. Бизнинг шаънимизга айтган илиқ сўзларингизни бутун ўзбек халқига билдирган сўзларингиз деб қабул қиламиз.

Суҳбат сўнггида Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов жаноб Рамосвами Венкатараманга ўзбек миллий либоси — тўн ва дўппи совға қилди.

Суҳбат самимий дўстона вазиятда ўтди.

Суҳбатда Ўзбекистон ҳукумат делегациясининг аъзолари иштирок этишди.

Суратда: Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов Ҳиндистон Президенти билан суҳбатлашмоқда.



ТУҲФА

Ўзбекистон — Ҳиндистон дўстлиги узоқ ўтмишга бориб тақалади. Бобомиз Мирзо Бобур ўз юртига сиғмай, Ҳиндистондан қўним топган бўлса-да, ўзининг ва авлодларининг бу юрт равнақи учун қўшган ҳиссалари беқиёсдир. Жавоҳарлаъл Неру Акбаршоҳ ҳақида фикр билдириб, унинг Ҳиндистон ижтимоий-сиёсий тараққиёти йўлидаги хизматларини юқори баҳолагани ҳам бежиз эмас, албатта. Бу борада Ж. Нерунинг Ўзбекистонга ташрифлари ўзбек халқининг узоқ вақтлар хотирасидан чиқмайдиган воқеага айланиб қолганлигини ҳам алоҳида таъкидламоқ лозим.

Яқинда имзоланган бу икки давлат раҳбарлари ўртасидаги битим ҳам ана шу анъанавий дўстлик ришталарининг ҳар томонлама узвий, янада яқин боғланаётганидан далолатдир.

Бугунги кунда ҳинд-ўзбек санъаткорларининг ҳамкорликда эришаётган муваффақиятлари довруғи етти иқлимга таралган ва бу ютуқлар замирида дилларнинг, қалбларнинг бир-бирига нақадар яқин эканлиги, дўстлик, ҳамжиҳатлик муносабатларининг чуқур илдиз отгани ва отаётганлиги ётади.

Ҳиндларнинг ранг-баранг, воқеаларга бой фильмларию, маҳзун ва ўйноқи қўшиқлари ёки Р. Тагор асарлари кириб бормаган бирорта ўзбек хонадони бўлмаса керак.

Санъат соҳасидаги алоқалар куни кеча яна бир муваффақият билан бойиди: таниқли рассом, СССР Давлат мукофотининг соҳиби Баҳодир Жалолов ўзининг Ҳиндистон ижтимоий-сиёсий ҳаётига бағишланган «Мангу ва навқирон» номли тасвирий санъат асарини ниҳоясига етказди.

Б. Жалоловнинг ушбу асари узоқ изланишлар самараси ўлароқ вужудга келиб, рассом полотно орқали Ҳиндистоннинг машҳур давлат, жамоат арбобларининг, шоир, рассом ва мусиқашуносларининг образини беқиёс даражада ёрита олди.

Шундай асарнинг ижодкори, таниқли мўйқалам устаси ҳеч қачон Ҳиндистонда бўлмаганлигини армон билан эслар экан, бу юртга болалигиданоқ айрича қизиқиш билан қарагалигини, Рабиндранат Тагор ижодини севиб ўқиганлигию М. Ганди ва Ж. Неру китобларининг энг яқин мухлиси бўлганлигини, ҳамиша улар суратлардаги диққатли нуқталарни кузатганлигини таъкидлайди.

Қачонки, яратмоқчи бўлган қаҳрамонинг бутун қиёфаси билан кўз ўнгингда намоён бўлмас экан, у ҳақда асар яратиш мушкул. Б. Жалоловнинг шу тақлиддаги беш йиллик изланишлари самараси бўлиб вужудга келган бу асар Ҳиндистонга жўнатилди ва ўша ерда ҳинд халқига тақдим этилди.

«Мангу ва навқирон» асари 43 ёшли мўйқалам устасининг номини яна бир бор жаҳонга кўз-кўз қилса ажаб эмас, негаки Б. Жалоловни нафақат жумҳуриятимизда, балки Европа мамлакатларида, океан ортида ҳам яхши билишади ва унинг ажойиб янги асарларини интиқлик билан кутишади.

Пўлат СОДИҚ ўғли,
«Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТДА: Баҳодир Жалолов мўйқаламига мансуб «Мангу ва навқирон Ҳиндистон» асарининг умумий кўриниши.

Р. ШАГАЕВ олган сурат. (ЎзТАГ).

ДАСТЛАБКИ МУЗОКАРА

Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримовнинг Ҳиндистон тупроғидаги биринчи музокараси вице-президент Шанкар Дайал Шарма билан суҳбати бўлди. Суҳбатда вице-президент Ўзбекистон билан алоқаларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш бошқа Шўро жумҳуриятлари билан муносабатларни ривожлантиришга йўл очади, деб умид билдирди. Шу муносабат билан вице-президент Ўрта Осиё ва Ҳиндистон халқлари қадимдан тарихий, маданий алоқалар ва савдо-сотиқ қилиб келаётганликларини эслатиб ўтди.

И. А. Каримов бўлиб ўтган суҳбатда СССР ва Ҳиндистон халқлари «самимий ўзаро ҳурмат, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам туйғулари билан бирлашганлар, улар ялпи тинчликни мустаҳкамлаш ишига катта ҳисса қўшиб келмоқдалар» деб алоҳида таъкидлади. Ҳиндистон раҳбарлари билан бўлиб ўтган учрашув ва суҳбатлар Ўзбекистон халқи билан Ҳиндистон халқи ўртасидаги мустаҳкамланиб бораётган дўстлик, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликдан яққол далолат бериб турибди.

«Тарихий алоқалар, тилларимизнинг, маданият ва санъат соҳасидаги анъаналаримизнинг яқинлиги, ҳинд халқининг бутун туриш-турмуши бизни яқинлаштириб, бирлаштириб турган заминдир, деб таъкидлади Ўзбекистон Президенти. — Бугун ишонч билан айтиш мумкинки, қадим асрлардан буён халқларимиз ўртасида мавжуд бўлиб келган дўстлик ришталари замон синовидан ўтди. Ана шу тарихий ўзаро яқинлик туйғулари самарали, ҳар томонлама ҳамкорлигимизни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун пухта замин бўлиб хизмат қилишига аминмиз».

Суратда: Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримов Ҳиндистон вице-президенти Шанкар Дайал Шарма билан суҳбатда.

«НОЙДА»НИ БОРИБ КЎРИШДИ

Бозор иқтисодиёти эркин ҳаракат қилишни, хорижий ишбилармонлар билан замонавий қўшма корхоналарни барпо қилишни тақозо этади. Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов Ҳиндистонга қилган сафари чоғида ишбилармонлар, бизнесменлар, молия вакиллари ва кўргазмалар ташкил қилиш раҳбарлари билан учрашган чоғида ана шу муҳим масалага жиддий эътибор берди.

Ўзбекистон раҳбари Деҳли яқинидаги шаҳарчага, «НОЙДА» экспорт-ишлаб чиқариш эркин минтақасига борди. Ҳозир экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқаришга йўналтирилган бу эркин иқтисодий зонада 4 мингтадан кўпроқ турли-туман ўрта ва кичик корхоналар ишлаб турибди, бу бутун Осиёдаги энг йирик мажмуадир. Ўзбекистон ССР Президенти «НОЙДА»даги қатор корхоналар иши билан танишди, маъмурият вакиллари, ишчилар билан суҳбатлашди.

Меҳмонлар учун ташкил қилинган енгил саноат моллари, пардоз буюмлари, дори-дармонлардан иборат кўргазмани томоша қилди.

Суратда: «НОЙДА» экспорт-ишлаб чиқариш эркин иқтисодий минтақаси фаоллари билан учрашувда.

БОШ ВАЗИР БИЛАН СУҲБАТ

Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримовни Ҳиндистон халқи энг азиз меҳмон сифатида кутиб олди. У қаерда бўлмасин, ҳамма жойда хурсандчилик, шоду хуррамлик ҳукмрон бўлди. Бўйнига шода-шода гулчамбарлар тақишди. Фақат Президентгина эмас, балки барча делегация аъзолари ва уларга ҳамроҳлик қилаётган барча кишилар ҳинд халқи томонидан ҳар қадамда ўзига хос иликликни сездилар.

Президентимиз И. А. Каримовнинг Ҳиндистон жумҳурияти Бош вазири П. В. Нарасимха Рао билан учрашуви расмий ташриф давомидаги энг муҳим воқеалардан бири бўлди. Бўлиб ўтган суҳбат чоғида Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, фан, маданият, сайёҳлик, спорт ва оммавий ахборот воситалари соҳасида ўзаро ҳамкорлик қилиш масалалари атрофлича кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримов Ҳиндистон вице-президенти ва Бош вазирни ўзларига қулай вақтда Ўзбекистонга ташриф буюришларини таклиф қилди. Бу таклиф мамнуният билан қабул қилинди.

Учрашув сўнггида И. А. Каримов Ўзбекистон ҳукумати номидан Ҳиндистон ҳукуматига таниқли мусаввир, СССР Давлат мукофотининг совриндори Баҳодир Жалоловнинг «Мангу ва навқирон Ҳиндистон» мукаммал асарини совға қилди. Истеъдодли мўйқалам соҳибининг бу асарида ҳинд халқининг тараққиёти йўлида фидойилик кўрсатган жасур фарзандлари Махатма Ганди, Жавоҳарлаъл Неру, Рабиндранат Тагорларнинг тўлақонли қиёфаси, тенгсиз ва бетакрор гўзал ҳинд санъати ўз қиёфасини топган. Бу улкан санъат асари делегация ташриф пайтидаги қароргоҳи бўлган Деҳлининг гўзал обидаси бўлмиш Ҳайдаробод саройини безаб турибди. Бу улкан картинани томоша қилган кўпгина ҳиндистонликлар мўйқалам соҳибининг истеъдодига таҳсинлар ўқидилар.

Ж. РАЗЗОҚОВ.

* * *

СУРАТДА: Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримов Ҳиндистон Бош вазири П. В. Нарасимха Рао билан суҳбатда.

Муаллиф олган суратлар.

БОҚИЙ ДУНЁ ЖАННАТИ

ҲИНДЛАР ЮРТДОШЛАРИМДЕК БЎЛИБ ҚОЛГАН, — ДЕЙДИ МУХТОР АКА ШАПСАНОВ

Ҳиндистон — олам узра яна бир олам. Гўзал табиати, ажойиб маданияти, ғаройиб санъати билан донг таратган диёр. Ўзига хос жаннатмакон ўлка. Инсонлар наздидаги беҳишти мукаррам, эртаклар дунёсидаги афсонавий ҳаёт, беғубор болалик осмонидаги турфа ранг шаклу шамойиллар. Шу аснода болалик тирилади, тилга киради, беғубор коинот сари талпинади.

Турли ҳолат, турли шаклга кираётган турналар тизими орқасидан завқ билан қараб қолади. Мурғак қалб ҳеч нарсани англамайди, миясида чарх ураётган саволлар тилига кўчади. Ҳоли-жонига қўймай сўрайвергач, онаси унга «Турналарнинг асл ватани Ҳиндистон. Кунлар исий бошлаши билан улар биз томонларга сафарга чиқади. Совуқ тушиши билан яна ўз юртига қайтади. Ҳиндистонда қиш бўлмайди, қушу ҳайвонлар бисёр. Бизда совуқ — изғирин бошланган кезларда ҳам уларда мевалар ғарқ пишиб ётади», деб таскин-тасалли беради. Бола бу сўзларни бутун вужуди билан берилиб тинглайди, ўзича Ҳиндистон бўйлаб саёҳат қилади. Ёлғиз қолган онларида хаёллар уни ўша томонларга етаклаб туради...

Бола улғайди, Шаҳрисабздаги ўрта мактабда, Самарқанддаги педогогика билим юртида таҳсил олди. Лекин кўнгли таскин топмади. ТошДДнинг Шарқшунослик факультети ҳинд тили бўлимида ўқиди. Бу ҳам уни қониқтирмади. Аспирантурага кирди. Илмий иш билан шуғулланди. Булар не-не машаққатлар маҳсули бўлишига қарамай, у ўз орзусига эришмагунича ҳаловат топмади. Кўп изланди, елиб-югурди, ва ниҳоят 1969 йилда Ҳиндистоннинг Деҳли Давлат олийгоҳининг иқтисод факультетида ўқишга рухсатнома олди. Ёлғиз ўзи ўзга юртга кетаётган бўлса-да, унда шубҳаланиш, иккиланишлар йўқ эди. Қайтага ошиқарди. Гўёки самолёт ҳам секин учаётгандек туюларди. Чунки унинг қалб қўрида қачонлардир туғила бошлаган орзу-умидлари рўёбга чиқаётган эди.

Деҳли олийгоҳида ётоқхона билан таъминланмаслиги учун Аграга жўнатилди. Бобурийлар пойтахти бўлган Агра шаҳридаги Давлат олийгоҳида унинг яшаши, билим олиши учун барча қулайликлар яратилди. Ҳинд тилини у қадар яхши билмаганлиги туфайли ёлғиз ўзи билан беш ўқитувчи — профессор Упрай, Вишвежит, Карендро, Кумар ва Кауллерлар шуғулланди. Илмий раҳбарликни эса олийгоҳ ректори Сак-сена ўз зиммасига олди.

У Ҳиндистонда биринчи ўзбек аспиранти деб ном олди. Сўнгра ватандошлари таклифини рад этмади — СССРнинг Ҳиндистондаги элчихонасига таржимон бўлиб ишга ўтди. Бу унга Ҳиндистонни янада чуқурроқ ўрганишга кенг йўл очиб берди. Шунингдек, ҳинд халқи билан ва бу ерга ташриф буюраётган турли давлат арбоблари, таниқли ёзувчи, шоирлар билан суҳбатлашди. Саккиз маротаба Индира Гандининг нутқини таржима қилди. Айниқса, биринчи учрашуви унинг хотирасидан сира ўчмайди. Чунки Индира Ганди тўғрисида жуда кўп мақтовлар эшитгани ва шахсан ўзининг ҳурмати ҳам беқиёс бўлгани боисдан унинг нутқини таржима қилаётганида жуда ҳаяжонланди. Ўшанда қизиқ воқеа рўй берганди. У таржимада ҳинд халқи қўйдек ювош деган сўзни, ҳинд халқи бўридек ювош деб ўгирган экан. СССРдан борган делегация аъзолари таажжубланиб қарашганини сезган Индира Ганди жилмайиб «бўридек эмас, қўйдек» деб тузатиш киритган. Аслида бу иккала сўз ҳам бир хил бўлиб, «бҳр» деб бири тил учида, иккинчиси тилнинг ўртасида талаффуз этилади.

Халқимизнинг асл ўғлонлари бўлмиш Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абдураззоқ Самарқандий, Амир Хисрав Деҳлавий, Мирзо Бедил Мирзо Ғолиб, Бобур ва Фурқатларнинг номлари Ҳиндистонда эъзозланишидан суюнди. Уларнинг қўлёзмаларини, чоп этилган асарларини олиб ўқиди. Берунийнинг «Ҳиндистон» асарини ва тузган картасини синчиклаб ўқиб ўрганар экан, немис олимлари Захау ва Макс Крузаларнинг дунёни биронбир одам Берунийдан олдин ҳам, кейин ҳам бундай аниқ ифода эта олмаган деган хулосалари ҳақиқатга нечоғлик яқин эканига амин бўлди. Чунки бу асар ҳинд халқи учун тарихий ёдгорликкина бўлиб қолмай, бугунги кунларда ҳам ер сатҳини билишда, қазилма бойликларни аниқлашда жуда асқотаётир. Шу туфайли ҳам ҳинд халқининг унга бўлган ҳурмати беқиёс. Биз буни Абу Райҳон Беруний ва Амир Хисрав Деҳлавий таваллудининг 1000 йиллигини нишонлашини ЮНЕСКОдан талаб этиб чиққан Ҳиндистон ҳукуматининг ташаббусидан ҳам билсак бўлади.

Ҳозирги кунда ўз ҳисобидан мактаб қурдирган ва уни энг доно инсонлардан санаган Индира Ганди номи билан атаган, «Халқлар дўстлиги» ордени нишондори, Ўзбекистон — Ҳиндистон жамияти аъзоси, тарих фанлари номзоди, ТошДД доценти Мухтор ака Шапсанович танимайдиган, у тўғрисида билмайдиганлар кам. Аммо қалбидаги туйғулардан воқиф бўлиш ҳар кимга насиб этавермайди.

Мухтор ака Шапсанов Германия, Польша, Бирлашган Араб Амирликлари, Таиланд, Япония, Покистон сингари ўнлаб мамлакатларни кезган. Аммо Ҳиндистон у учун ўзга бир дунё. Ҳинд халқининг тўйлари, маъракамаврудлари, 19 мартда бўладиган янги йил байрами — Холле кабиларнинг нишонланиши Мухтор ака учун очилган тилсимдек. Ҳиндистон ҳам ўз юртию, ҳинд халқи юртдошларидек бўлиб қолган.

Абдураҳим ХАЛИЛ ўғли.

НИТРАТГА ҚАРШИ СЕРТИФИКАТ

КЕЙИНГИ пайтларда инсон саломатлиги учун ўта хавфли заҳри қотилга ишора тарзида «меъёридан ошган нитрат» ибораси халқ оғзидан тушмай қолди. Бозордан қовун-тарвуз олаётганда бир ҳадиксирасак, сўйиб еяётганда бир кор-ҳол бўлмасмикан, деб яна юракни ҳовучлаймиз. Қорнимиз оғриб қолса, фалон нарса егандим, нитрати ошган экан-да, деймиз. Қиш ғамида шиша идишларга босилган тузламаларнинг қопқоқлари отилиб кетса, нитратга обдон тўйинган экан, дея айбни яна кимёвий дориларга тўнкаймиз. Бу кетишда олмани ҳам ҳадиксираб ейдиган бўламиз шекилли.

Аслида бундай ҳадиксирашларга бутунлай чек қўйиш мумкин. Бунинг учун бозорларда сотиладиган маҳсулотларни қатъий назорат остига олиш кифоя. Бозорларда очиб қўйилган ветеринария лабораторияси айнан шу иш билан шуғулланишга даъват этилган. Хўш, уларга ишонса бўладими?

Урганч шаҳар ижроқўми депутатлар ва тегишли тиббиёт муассасалари вакиллари билан биргаликда деҳқон бозорида назорат мақсадида текширув ўтказди. Аниқланишича, лаборатория берадиган маълумотнома ҳамма сотувчиларда ҳам бўлавермас экан. Айримлар эса хорижий тилда «сертификат» деб ёзиб қўйилган бундай ҳужжатни ҳали кўрмаган, ҳатто билмас ҳам эканлар.

Тўғри, текширувлар чоғида кўнгилни бироз хотиржам қиладиган фактлар ҳам маълум бўлди. Гарчи назорат тўла ўрнатилган бўлмаса-да, деҳқонлар келтириб сотаётган боғ ва дала неъматларини у қадар қўрқмай еявериш мумкин. Сабаби — текшириб кўрилган ўнлаб деҳқонлардан фақат икки кишининг маҳсулотида нитрат моддаси меъёридан ошган экан.

Бироқ бу лаборатория ходимлари зиммасидан масъулиятни соқит қилиш учун асос бўлолмайди. Шу билан бирга ходимларда ёппа текшириш учун имкониятнинг ўзи йўқ. Улар озчилик — бор-йўғи 6 киши, холос. Ваҳоланки, Шарқ бозорларида эрта тонгдан то кеч оқшомгача савдо қизғин бўлади, бинобарин ноз-неъматлар тинимсиз келиб туради. Масалан, Хива шаҳридаги Ичонқалъа бозорининг тўрт тарафида дарбозаси бор. Бу ерда бозорга келаётган маҳсулоту харидор оқими кун бўйи тинмайди. Бундай вазиятда ҳамма маҳсулотларни текшириб улгуриш қийин, аммо текширмасдан сотилиши ҳам йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолдир.

Назорат мақсадида ўтказилган текширув қатнашчилари юзага келган вазиятдан чиқишнинг бир неча йўлларини чамалаб кўрдилар ва ниҳоят кўпчилик овоз билан бевосита маҳсулот етиштирилаётган жойларнинг ўзидаги деҳқончилик-кимё лабораториялари устидан қаттиқ назорат ўрнатиш энг маъқул ва мустаҳкам усул деган қарорга келинди. Шаҳардаги деҳқон бозорига юк олиб келганлар эса дарвозадан киришда лаборатория берган сертификатни кўрсатсалар кифоя. Бу ердаги ветеринария лабораторияси назорат учун маҳсулотларни оралатиб текшириб турса бас. Ана шунда ҳам маҳсулот устидан, ҳам жойлардаги деҳқончилик-кимё лабораториялари устидан бирйўла назорат ўрнатилади.

Г. НОДИРОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

РОССИЯ ЎЗБЕКЛАРИНИНГ «ВАТАНДОШ» УЮШМАСИ

Куни кеча Москвадан хушхабар келди. РСФСР Адлия вазирлигида ташаббускор гуруҳ саъй-ҳаракати билан ўзбекларнинг «Ватандош» деб номланган минтақалараро ҳамюртлар уюшмаси тузилди ва рўйхатга олинди. Ўзбек маданияти, анъаналари, урф-одатлари, тили, ёзувини тиклаш, сақлаш, ривожлантириш ва ёйиш, Ўзбекистон ССР ҳудудидан ташқарида яшаб турган ватандошлар билан алоқалар ўрнатиш, ўзбек мактаблари йўқ жойларда якшанба ўқишлари ва бошқа хил машғулотлар уюштириш йўли билан она тилини ўрганиш учун шарт-шароит яратиш бу ташкилотнинг асосий мақсадлари ҳамда вазифаларидир.

Ҳозирнинг ўзида ҳамюртлар уюшмаси ҳузурида бепул ўқитиладиган якшанба мактаби ишлаб турибди. Машғулотларда ўзбек тили, ёзуви ва маданияти ўргатилмоқда. Уюшма миллий белгисига кўра камситилган ватандошларга катта ёрдам кўрсатмоқда, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилаяпти, қайси маъмурий ҳудудда яшаётган бўлишса, ўша ердаги туб аҳоли билан ижтимоий ва фуқаролик тенглигини таъминлаш учун курашмоқда, шунингдек ўзбеклар ва бошқа миллатларнинг вакиллари ўртасида ўзаро тушуниш ҳамда дўстона муносабатлар ўрнатилишига кўмаклашаяпти.

Усмон Акрамович Баротов «Ватандош» минтақалараро ўзбеклар уюшмасига президент этиб сайланди.

Алоқа ва ҳамкорлик истагида бўлганлар учун «Ватандош» кўнимгоҳини маълум қиламиз: 121825, Москва шаҳри, Воровский кўчаси, 52-уй, 2-хона, телефонлар: 290-43-17, 238-06-30.

Уюшма фаолиятига ёрдамлашиш ниятида пул юборишни хоҳлаган ташкилот, корхоналар ва алоҳида шахслар учун: Москва саноат банкининг Москварецк бўлими, 201133-сон, ҳисоб-китоб тартиб сони — 1609423, банк коди — 9201137. Кўнимгоҳи: Москва шаҳри, Пятницкий кўчаси, 76-уй. Индекси — 113184.

Меҳр-мурувватингизни дариғ тутманг, азиз ватандошлар!

ЖАБРДИЙДАЛАРГА КЎМАК

«НАМАНГАНОБЛРЕМСТРОЙ» трестининг бир гуруҳ қурувчилари Тўрақўрғонда жала ва дўлдан жабр кўрганларга ёрдам қилмоқдалар. Куни кеча Уйчи, Учқўрғон, Тўрақўрғон ноҳияларидаги 138,- 170,- 133-таъмирлаш-қурилиш бошқармаси бинокорлари яна тўртта уйни қайта тиклашди. Янги уйларга кўчиб келганлар қурувчилардан мамнун.

Т. СУЛАЙМОНОВ.

Маънавий қадриятларимиз

САРДОБАЛАР — МУНГЛИ ХАРОБАЛАР

«Яқин ўтмишда сардобалар жонимизга аро кирарди. Чўлга сув келганига қувониб кўпгина қадриятларимизни унутиб юбордик. Сардобаларнинг тақдир ҳукмига ташлаб қўйилгани шунинг оқибати. Бу мўъжиза — обидаларни ҳеч бўлмаса ёшларга кўрсатиш учун бут сақлаб қолишимиз керак эди. Эҳ, эътиборсизлик қурсин». (Помуклик кексалар гурунгидан).

— Анови гумбазни қаранг, бунчалик чиройли бўлмаса? Нима эди у?

Бир текис ҳаракатланаётган машина Муборак туманининг Туркман қишлоғи яқинидан ўтиб бораркан, орқа ўриндиқда ўтирган ўғлим ҳайратомуз қийқириб юборди. У қўли билан йўлнинг чап томонини кўрсатарди. Қарадиму, гап нима ҳусусида бораётганлигини англадим: қадимий ва фусункор Бекчак сардобаси!

— Сардоба.

— Сардоба, — такрорлайди ўғлим, у бу атамани илк бор эшитаётганидан сўрайди: — Сардобаси нима?

— Сардоба — ўзига хос сув сақланадиган иншоот. Ўтмишда маълум масофадан сўнг карвон йўлларининг бўйидаги нишаб ерларга қурилган. У бир-бирига тўнкариб қўйилган икки косани эслатади. Устки қисм — гумбазнинг кичик дарвозалари бор, ундан ёғингарчилик вақтлари сув қириб, пастки қисм — ҳовузни тўлдирган. Гумбаз ҳазирамада сувни буғланишдан сақлаган. Сардоба суви муздек бўлиб, чанқоқни тез бостиради, — дея изоҳ бераман. Беихтиёр хаёлот сардобалар ҳақидаги ривоятни ёдимга туширади.

...Ҳазирама. Шамол қум барханларини кўчириб ўйнайди. Олисда сароб жимирлайди. Унинг бағрини ёриб карвон кўринади. Туялар, отлар зўр-базўр одимлайди. Одамларнинг лаблари гезарган. Бир-бирига сўз қотишга ҳоллар етмайди.

— Тақсир, одамларга сўнгги қултум сувни тарқатиб бердим. Энди нима қиламиз? Ҳазирамани қаранг, нақд тешиб ўтаман дейди.

— Йўлбошловчини келтиринг.

Карвонбошининг буйруғи бир зумда бажарилади. Қўрқувдан қўл-оёқлари титраб турган йўлбошловчини судраб келадилар.

— Уч кунлик йўлда сардоба бор дегандинг, бешинчи кундирки, ундан дарак йўқ. Нима ҳаммамизни хароб қилмоқчимидинг?

Ғазаб тўла кўзлар йўлбошловчига қадалган. Шу пайт қўйиб берса одамларда уни тилка-пора қилиш важоҳати бор.

— Кечиринг, тақсир, агар бугун манзилга етказмасам ихтиёрим қўлингизда. Нима қилсангиз ўзингиз биласиз.

— Сенга икки соат муҳлат. Йўқса, жонингдан умид узавер.

Карвон йўлда давом этади. Қум барханларининг ниҳояси йўқдек гўё. Сароб ташналикни янада оширади. Лаблари қуриб, қуёшда қорайган одамларнинг ҳар бири дуч келса бутун бошли дарёни қурита диганга ўхшайди. Уларни умидсизлик, яқинлашиб келаётган ажал ваҳимаси қийнайди.

— Ҳу тепалик ён бағрида қандайдир гумбаз кўринаяпти, саф бошидан эшитилган ҳаяжонли овоз карвонга жон киритади.

— Қани, қани?

Йўлбошловчи қувончдан қийқириб юборади:

— Сардоба!

— Сардоба! — шу бир оғиз сўз тилдан-тилга кўчиб, карвон охиригача етади. Энди одамлар жонивор ларни тез юришга ундай бошлайди.

Карвон сардоба ёнида тўхтайди. Жазирамада олис йўлдан ҳолсизланиб кетган одамлар сувни кўриб, чарчоғу ташналикни унутишади.

— Бугун тунни шу ерда ўтказамиз. Сувдан ғамлаб олгач, тонгда йўлга тушамиз, — дейди карвонбоши.

Саҳро бағри қувонч садоларига тўлади...

Ҳар гал сардобалар ёнига келганимда, уларнинг кун сайин кўмилиб бораётган ҳавзаларини кузатганимда хаёлимдан юқоридагига ўхшаш ривоятлар ўтади. Кўҳна сардобаларнинг ҳар бири асрлар оша неча юзлаб кишиларга ҳаёт бахш этгандир. Бугун эса сардобаларга ҳожат қолмади, чўлга сув келди, бизда эса ҳамон бепарволик, қадриятларга қадриятсизлик кучли.

Тарихий манбаларга қараганда, Қарши чўлининг қуйи қисмидаги Муборак, Баҳористон районлари ҳудудида ўтмишда олтита, ҳар бири ўз атамасига эга сардоба бўлган: Бекчак, Жўжан, Корлик, Сурхи, Патдо, Чилгумбаз. Патдо ҳамда Сурхи сардобалари қурилиш жиҳатдан бир қисм — ҳовузга, қолганлари икки қисм — гумбаз ва ҳовузга эга. Юқорида санаб ўтилган обидаларнинг энг толеи шўри Жўжан сардобасидир. Унинг кўринаяпти жуда чиройли бўлган дейишади. Аммо Жўжанни кўриш, фусункорлигидан қувониш бахти урушдан сўнгги авлод вакилларига насиб этмаган. Неча юз йиллаб инсонларга қувонч ва ҳаёт бахш этиб келган иншоот Совет даврига келиб раҳмсизларча вайрон этилган. Кексаларнинг ҳикоя қилишларича, 30-йилларнинг сўнгида «Муборак» давлат хўжалигига раҳбарлик қилган Гайкозянц деган кишининг буйруғига мувофиқ сардоба йиқитилиб, ғиштлари идора қурилишида ишлатилган. Ўшанда Бекчак сардобаси тақдири ҳам шундай тугаш эҳтимоли туғилган. Фақат маҳаллий аҳолининг саъй-ҳаракатлари туфайли тарихий обида вайрон бўлишдан сақлаб қолинган.

Инсон табиати қизиқ. Бири-бирига ўхшамайди. Кимдир ўзининг, ўзгаларнинг, тарихнинг қадрига етади, аллаким эса шахсияти учун ҳар қандай тубанликдан қайтмайди. Қайсидир маҳкамабознинг ғиштин бинода савлат тўкиб раҳбарлик қилиши учун неча юз йиллик тарихга эга сардобани бузиш, маънавий қадриятимизни топташни бошқача қандай баҳолаш мумкин? Бекчак сардобасини ҳайрат билан томоша қилар эканман уни сақлаб қолишда жонбозлик кўрсатганларга ҳурматим ошаверади. Тағин улардан қай бирига «ўтмиш сарқити», қай бирига «ашаддий диндор» ёрлиғи берилган ўшанда. Аммо ўз эътиқодлари учун курашдан қайтишмаган. Бугун биз уларнинг эзгу ишлари қадрига етаяпмизми? Савол қанчалик аниқлик талаб қилмасин, «ҳа» деган жавобни қайтаришга ўзимда куч тополмайман. Сардоба бугун шон-шуҳрат қурбони бўлиш арафасида. Уни тўрт томондан экин майдони қисиб олган. Деворларига зах кўтарилаяпти, ҳовуз бўтана сувга тўлган. Бу ҳол давом этаверар экан, сардоба атрофидаги экин майдонлари қисқартирилмас экан, яна бир қадриятимиздан ажралиб қолишимиз ҳеч гап эмас.

Ўтган йили Баҳористон районидаги Махтумқули номли ўрта мактабда ўқитувчилик қилаётган танишим, тарихий обидалар шинавандаси Оқмамат Бўтаев билан Сурхи сардобасини зиёрат қилгани бордик. Яқин ўн йил илгари сувга тўлиб турадиган, чўпон-чўлиқлар оғирини енгил қиладиган сардоба ҳовузидан оддийгина чуқурлик қолибди.

Менимча, азал-азалдан халқимиз корига бакор келган сардобаларни таъмирлаш, боболаримизнинг бебаҳо меросини авайлаш пайти келди.

Абдунаби АБДИЕВ,
ССЖИ Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

Ғаллаорол районидаги «Гулистон» давлат хўжалигида узум узиш ишлари қизғин давом этмоқда. Қувон Эшмуродов етакчилик қилаётган бригада деҳқонлари ўзларига бириктирилган 25 гектар токзорнинг ҳар гектаридан 12 тоннадан ошириб узум топшириш ниятидалар. Дастлабки натижалар режанинг ортиғи билан бажарилишидан далолат бермоқда.

СУРАТДА: бригада ҳисобчиси Ҳазрат Мустафоев ва ишчи Гулчеҳра Сулаймоновалар ҳосил чўғидан мамнун.

Умарали ҚУШВОҚОВ олган сурат.

△ ▽ △

Жалолқудуқ ноҳиясидаги Турсунбой Тошматов номли жамоа хўжалиги бошқаруви кичик корхоналар ва ёрдамчи хўжаликлар барпо этишга алоҳида эътибор бермоқда. Ҳозир бу ерда қарийб 20 та цех фаолият кўрсатаяпти. Ҳар йили 300 минг сўм соф фойда олинаётир.

СУРАТДА: рўзғорбоп халталар тайёрлаш цехининг илғор тўқувчиси Ўлмасхон Жабборова.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН МУАММО

РАЙОН аҳолисини гўшт-сут, сабзавот, полиз, паррандачилик маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашни йўлга қўйиш мақсадида Калинин районида деҳқонлар уюшмаси тузилган эди. Ишни йўлга қўйиб олиш учун давлат 6 миллион 400 минг сўм маблағ ажратди. Бу пулдан уюшма аъзоларига чорва моллари сотиб олишда ёки кичик корхоналар қураётганларга қарз бериш режалаштирилганди. Аввалига иш маромида юришиб турди. Бундан барча қувонганди. Афсуски, бу қувонч узоққа чўзилмади. Бозорга борган фермер мол учун пулни нақд бериши керак. Банкдан уларга нақд пулни ушлатишмайди ҳам. Фермердан қанча мол сотиб олганлиги тўғрисида ҳужжат сўрашаяпти. Шундан сўнг пул ўтказишармиш. Наҳотки, банк ходимлари бозорга нақд пул билан бориш лозимлигини тушунишмаса? Банк системасида пул беришни тақиқловчи турли кўрсатмалар, инструкциялар мавжуд бўлса. Уларни қайта кўриб чиқиш вақти етмадимикан?

Давлат ажратган маблағдан фермерликни ихтиёр қилганларга ҳеч бўлмаса ишни юргизиб олиш даврида беришнинг йўли топилганда эди, чорва билан шуғулланувчилар сони кўпаярди.

Шундай бўлса-да, уюшма фаолларининг ҳаракати туфайли боқишга имконият бўлганларга чорва молларини харид қилишларига ёрдам кўрсатилаяпти. Бир йилдан кўпроқ фурсатда район аҳолисига 1976 бош бузоқ, 418 бош қўй, 484 бош чўчқа, 682 минг дона жўжа, 913 тонна аралаш ем, 581 тонна шулха, 750 тонна кунжара сотилди. Шу кунларда ҳам деҳқонлар уюшмасининг амалга ошираётган ишлари ибратли. Бироқ кўндаланг бўлаётган муаммолар олға силжишга бироз бўлса-да тўсқинлик қилаяпти.

И. ТОШЕВ.

• *Хўжа Насриддин Фарғонада*

УВОЛИ ТУТМАЙДИМИ?

ЁКИ КОНСЕРВА ЗАВОДИДАГИ ХЎЖАСИЗЛИКЛАР ХУСУСИДА

Жаннатмакон ўлка — Ўзбекистонда пишиқчилик. Айниқса, кўм-кўк далалару боғроғлар маскани бўлмиш Фарғона водийси сабзавоткорлари, полизчилари ва миришкор соҳибкорларининг қўллари қўлларига тегмайди. Улар пишиб етилган ноз-неъматларни териб улгуришмаяпти.

Хўш, шундай долзарб паллада маҳсулотни қайта ишлаш корхоналарининг фаолияти қандай, улар мавсумни талаб даражасида ўтказаяптиларми? Ана шу саволларга жавоб топиш мақсадида водий сафарига отландим. Фарғона вилоятига кириб борар эканман, ҳайратдан ёқа ушладим. Во ажабо! Шундоқ катта йўлнинг деярли ҳар бекатида бир бозор! Аҳоли қовун-тарвуз, мева-сабзавот излаб шаҳар ёки ноҳия марказига бориб юрмайди. Савдо пайкалнинг ёнгинасидан ўтган йўл бўйида. Маҳсулот ҳам янги узилган, сархил, кўзни қувонтириб, иштаҳани карнай қилади. Бозор иқтисодиёти шарофати туфайли юзага келган бундай бозорчаларда тўхтаб, харидору сотувчилар билан суҳбатлашдим. Уларга бисотимдаги янги латифалардан айтиб бердим. Ўз навбатида аския-ю қизиқчиликда донг таратган водийликлар ҳам ажойибу ғаройиб ҳангомалардан сўзлаб, нақ ичагимни узишди. Гап айланиб келиб яна савдога тўхталди. Шунда бир деҳқон:

— Э, афанди бува, ҳангома кўраман десангиз консерва заводига боринг. У ерда деҳқонлару харидорлардан роса теша тегмаганларини эшитасиз, — деб қолди.

Айни муддао, дедиму корхонага қараб жўнадим. Йўл-йўлакай бундан саккиз-тўқиз йил илгари у ердаги ҳам куладиган, ҳам куядиган ҳангомалар ҳақида матбуотда эълон қилинган мақолани эсладим. Ушанда тартибсизлигу хўжасизликлар боплаб пўстак қоқди қилинган эди. Энди аҳвол ўзгарган бўлса керак, дегандим. Бе, қаёқда? Ишлар ҳамон ўша-ўша, эски ҳаммом, эски тос қабилида экан.

Шаҳарга кираверишда жойлашган заводнинг ҳайҳотдай эшиги олдида ўша манзара, ўша сансалорлик. Фақат помидор ортган машиналар, прицепли тракторлар карвони шаҳарнинг бош кўчасидан Марғилонсой ёқалаб бунёд этилган янги йўлга кўчиб ўтибди. Ҳайдовчилар уйқусизликдан қизарган кўзларини ишқалаб завод дарвозасига мўлтиришади. Аҳён-аҳёнда ичкарига кириб чиқаётган транспортларни кўриб бир хўрсиниб қўйишади. 150 дан ортиқ транспорт турна қатор бўлиб кетган. Уларга ортилган яшиклардан, контейнерлардан оққан ширалардан асфальт шира бойлаб кетибди, десам ишонаверинг.

Навбат кутиб турганларнинг ҳасратига қулоқ тутаман:

— Хўжалигимизда қайси тракторчи бирор ножўя иш қилиб қўйса ёки интизомни бузса, жазо тариқасида уни консерва заводига юборишади. Негаки, бу ерда у учтўрт кунлаб оч-наҳор навбат кутиб роса таъзирини ейди, — дейди Тошлоқнинг Яккатут қишлоғидан келган Толибжон Ҳошимов. — Мана уч кундан бери шу аҳвол. Энди навбат етди десак линия ишламай қолади, тоқ буғ, тоқ электр йўқ. Хуллас, консерва заводи деса юрагимиз безиллайди.

— Завод қошидаги автогаражда ишлайман, — деб суҳбатга қўшилди прицепли трактор ҳайдовчиси Фозилжон Маҳмудов. — Ҳозир Охунбобоев ноҳиясидаги ижарачиларнинг маҳсулотини олиб келдим. Икки кундан бери шу ердаман. Лекин бизга бор-йўғи 7 соатга ҳақ тўлашади. Суткалаб туриб, тунларни уйқусиз ўтказиб арзимаган иш ҳақи оламиз. Бунисига ҳам майли, чидаймиз, лекин маҳсулотнинг камида учдан бир қисми нобуд бўлаётганига тоқат қилолмаймиз!

Тўпланганлар қўлимга вилоятда чиқадиган «Коммуна» рўзномасини тутқазишди. Унда антиқа воқеа — завод дарвозаси олдидаги навбатчи милиционер ноиложликдан ўқ отиб, аранг интизом ўрнатганлиги баён қилинган экан. Йўғ-е, жуда шунчалик эмасдир, бироз ошириб юборишибди, деб тургандим, воқеани ўз кўзлари билан кўрганлар ҳовуримдан туширишди, бу ҳангоманинг чиппа-чин эканлигига кафил бўлишди. Ҳақиқатан ҳам шаҳар автомобиль инспекцияси ходими Н. Умаров навбат талашиб жанжаллашаётганларни ўқ отиб огоҳлантирмаганда дарғазаблардан бири нақ оломон устига тракторини солиб юборар экан...

Йўл-йўлакай ҳамроҳ бўлган «Ферганаовошвинпром» концерни бошқарувчиси Ҳусанбой Араббоев суҳбатига қулоқ тутаман:

— Консерва заводидаги аҳвол ўн йил аввал қандай бўлса, ҳамон шундайлигича турибди, десам муболаға бўлмайди. Тўғри, бир қатор янги линиялар ўрнатилди. Лекин дарвоза олдида навбат кутадиганлар сони камайиш ўрнига кўпайиб бораяпти. Мавсум арафасида заводдаги аҳволни ўрганиб чиқдим. Директор Валижон Охунов «ҳамма нарса мавсумга шай, бу йил навбат кутишлар бўлмайди», деб қўйнимизни пуч ёнғоққа тўлдирган экан. Аслида аҳволни ўнглар деб, уни Учкўприкдаги заводдан бу ерга олиб келишган эди. Афсуски, ҳозирча унда амалий ишдан дарак йўқ. Баландпарвоз ваъдалар эса қоп-қоп бўлмоқда.

Шу кунларда Ленин номли давлат хўжалигида кунига 250-300 тонна атрофида помидор узиб, консервага жўнатиш имконияти бор. Лекин завод ўз имкониятларидан келиб чиқиб, уларга 120 тоннага буюртма бераяпти, холос. Натижада пишган ҳосилнинг каттагина қисми далада нобуд бўлаяпти. Бунинг устига завод режадаги 40 фоиз маҳсулотни шахсий томорқа эгаларидан қабул қилиб олиши керак. Улар ҳам ўтган йилларга нисбатан икки баробар кўп ерга помидор ва бошқа экинлар экишган. Ҳозир етиштирилган ҳосилни қаерга топширишларини билмай бошлари қотган.

Завод директорининг эса парвойи палак. Гўё ҳамма уларга раҳмат айтаётгандек. Валижон бизни ҳам истар-истамас «Энди бир камим сизлар эдингизлар» дегандек кутиб олди-да, қандай қилиб корхонани оёққа турғизганию чет элликлар билан қўшма корхона бунёд этмоқчи эканлигини оғиз кўпиртириб гапира кетди.

Кейин билсак, завод ўтган йили арзон нархда харид қилиб олган мева, сабзавотлардан тайёрланган консерваларни бу йил оширилган нархда сотиб иқтисодиётини анча мустаҳкамлаб олган экан. Лекин бу йил уларнинг ҳоли не кечиши биргина директорга -чўт қоқиб ўтирган ҳисобчиларгина аён.

— Заводимиз бир кунда 1.350 тонна помидор қабул қилиб олиш қувватига эга. Аммо асосий линиялар эски, 1978-1984 йилларда ўрнатилган. Ҳатто Югославиядан келтирилган энг янгиси ҳам яхши ишламаяпти, — деди директор. — Нари борса 850 тонна помидор қабул қилишимиз мумкин. Устига устак, суткасига 750 тонна маҳсулотни буғ билан таъминлаш имконимиз бор, холос. Қўлимиздан келганча ҳаракат қилаяпмиз. Лекин текширувчилар ҳам бирам кўпайдики...

Директордан маҳсулот қабул қилиш даражаси ўтган йилгига нисбатан кўп-озлиги ҳақида сўрадик. У маълумотларни бир соатдан кейин бухгалтердан олишимизни айтиб, жуфтакни ростлаб қолди. Ноилож вилоят қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш ва унинг сифати бўйича давлат бош инспектори Абдиолим Зиёев билан завод ҳовлисига йўл олдик. Ишлаб чиқариш корхонасининг ҳовлиси ит эгасини танимайдиган чайқов бозорини эслатади. Помидор соладиган, контейнерларни бўшатадиган майдонда машиналар, тракторлар, прицеплар айқаш-уйқаш бўлиб ётибди. Аҳволни бош муҳандис, бош технологга айтгандик, бепарво қўл силтаб қўя қолишди.

Бу воқеани вилоят қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлш ва унинг сифати бўйича давлат инспектори Абдусаид Назиржонов шундай шарҳлади:

— Агар шарбат чаккалаб томиб турса бир кеча-кундузда 75 литр маҳсулот нобуд бўлади. Бу ерда эса у билакдек бўлиб оқиб ётибди. Насоснинг ёни-вериларига унинг қуйқаси ёпишиб кетган. Бу анчадан бери «кирмоқ»ча оқиб ётганлигидан далолат беради.

Нима, корхонага шунча исрофгарчилик чивин чаққанча ҳам таъсир этмайдими? Ахир ҳар 5-6 килограмм помидордан бир литр шарбат чиқадику. Завод бу маҳсулотнинг ҳар килограммини июль ойида 50 тийиндан, август ойида 35 тийинга сотиб олмоқда-ку! Мана сизга хўжалик ҳисоби, бозор иқтисодиёти шароитидаги аҳвол! Эсиз деҳқон меҳнати! Бу исрофгарчилик туфайли қанча зарар кўрилаётганлигини эса энди ўзингиз ҳисоб-китоб қилаверинг!

Инспекторнинг куюнганича бор. Маҳсулотнинг бир қисми пайкалда, иккинчи қисми навбат кутиб корхона дарвозаси олдида исроф бўлаяпти. Заводдаги хўжасизлик, паланартишлик, назоратнинг йўқлиги эса дард устига чипқон. Валижон Охунов сингари директорлар эса оппоқ кўйлакларига ғард юқтиришдан чўчиб, кабинетларидан ташқарига чиқишмайди.

Директорнинг биз билан завод ичкарисига киришга ботинмай, жуфтакни ростлаб қолганлиги сабабини энди тушундик. У ҳамма ерда оғиз кўпиртириб мақтанганлари бу ерда пуфакдек ёрилиб кетишидан чўчиган.

Энди мана бу рақамларга назар солинг. Ўтган йилнинг июнь ойи мобайнида корхонада 13 минг 646 тонна помидор қабул қилиб олинган бўлса, бу йилгиси ундан 3.221 тонна кам. Кунлик қабул ҳам 100-120 тоннага орқада. Айни мева-чева, сабзавот ҳар қачонгидан мўл бўлган пайтда аввалги йилдагига нисбатан бодринг 284 тоннага, ўрик 267 тоннага, шафтоли 77 тоннага кам тайёрланганлигини мутасаддилар қандай изоҳлашаркин?! Ҳозирга қадар бирор килограмм ҳам олма қабул қилингани йўқ. Ўтган йили эса 100 тонна атрофида консерва тайёрланганди. Ажабо, бу йил Фарғона боғларида умуман олма битмаганмикан?! Бу ўжар рақамлар завод мутасаддиларининг тушларига ҳам кириб чиқса керак.

Биз сафаримиз ниҳоясига етгач кўрган-билганларимизни директорга айтдик. У яна ўзини оқламоқчи бўлди:

— Навбатни камайтириш учун юк ортилган машиналарнинг бир қисмини қўшни Андижон, Наманган, ҳатто Тожикистоннинг Конибодом, Ашт шаҳарларидаги консерва заводларига жўнатиб турганимизни айтиш ёдимдан кўтарилибди. Шундай қилмаганимизда навбатда турганлар сони бундан ҳам ортарди.

— Йўл харажати, транспорт сарфи завод гарданигами ё бечора деҳқоннинг бўйнидами?

Бу саволимизга директор жавоб беролмай, бош силкиди.

Хуллас, Фарғона консерва заводида кўрган-билганларимиз ҳафсаламизни пир қилди. Наҳотки, бутун мамлакатимизда очарчилик хавф солиб турган бир шароитда шифобахш ноз-неъматларга шундай муносабатда бўлинса?! Ахир, исроф бўлаётган тонна-тонна озиқ-овқатнинг уволи тутмайдими?!

Хўжа Насриддиннинг кўрганкечирганларини ёзиб олувчи:

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

«ДЎСТЛИК САҲНАСИ» ДА

Олмалиқ шаҳрида бир ҳафта давом этган халқ истеъдодлари цирк жамоалари «Дўстлик саҳнаси» фестивали ниҳоясига етди. Фестивалда иттифоқимизнинг 9 шаҳридан келган ёш санъаткорлар иштирок этди.

Фестиваль қатнашчилари кимёгарлар маданият саройида куч синашдилар. СССР халқ артисти Ҳаким Зарипов бошчилигидаги ҳакамлар ҳайъати ҳар бир жамоанинг маҳоратини муносиб баҳолаб турди. Чирчиқ электрохимия бирлашмасининг «Рассвет», Калуга шаҳрининг «Арена», Арзамас шаҳрининг «Авангард» цирк жамоаларининг чиқишлари томошабинларда яхши таассурот қолдирди.

Ниҳоят, ғалвир сувдан кўтариладиган вақт келди. Ҳакамлар ҳайъати барча жамоаларнинг чиқишлари ғоят ранг-баранг ва қизиқарли бўлганлигини таъкидлади. Днепродзержинск шаҳрининг «Арена смелих» («Довюраклар саҳнаси») цирк жамоаси биринчи ўринни эгаллаб, фестиваль лауреати бўлди. Иккинчи ўрин кимёгарлар шаҳрининг «Арена», учинчи ўрин эса Калуга шаҳрининг шу ном билан аталувчи ёш цирк жамоаларига насиб этди.

Набережние челни шаҳридан келган, фестивалнинг энг ёш иштирокчиси — 6 ёшли Юля Фучкина акробатика ўйинларини моҳирона ижро этиб, шахсий биринчиликни қўлга киритди.

«Дўстлик саҳнаси» фестивали иттифоқимизда цирк санъатига қизиқувчилар тобора ортиб бораётганини яна бир бор намойиш этди.

П. НИШОНОВ.

НАВОИЙ ДАСТХАТИ

Ўзбекистон Фанлар академиясининг А. Навоий номли адабиёт институти олимлари бобокалон шоирнинг ўзи дастхат қилган девонни чоп этишга киришдилар.

ИНСТИТУТНИНГ етакчи илмий ходими С. Ғаниева «Шоҳнома»нинг минг йиллигига бағишланган жаҳон конгрессида қатнашиш мақсадида Эронга борган эди. Олима у ерда фан ва жамоат арбоблари билан учрашди. Ниҳоят Алишер Навоий ўз қўли билан тартиб этган девон ҳақида эшитиб қолгач, ундан кўчирма олишга муваффақ бўлди.

Рўйхатга олинди

Республика Адлия вазирлиги Ўзбекистон Тадбиркорлар уюшмасини рўйхатга олди.

УЮШМА республикада фаолият кўрсатаётган ширкатчилар, ижарачилар, якка тартибда ишловчиларнинг бошини қовуштиради. Ҳуқуқларини ҳимоя қилади. Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ҳисса қўшади.

Т. ИСМАТОВ.

Андижон хабарлари

ИШБИЛАРМОНЛАР ТАШРИФИ

АНДИЖОН-Хитой савдо алоқаларининг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Ота-боболаримиз бир-бирлари билан мол айирбошлашган, кийим-кечак, асбоб-ускуна — турли маҳсулотлар билан савдо қилишган. Ниҳоят узоқ йиллар давомида унутилган, кўпчилик интиқлик билан кутган муносабатлар қайта тиклана диган бўлди.

Яқинда «Анжан» уюшмасининг таклифи билан хитойлик ишбилармонлар вилоятга ташриф буюришди. Улар ўлкадаги ишлаб чиқариш корхоналарида, миллий ҳунармандлар ҳузурида бўлишди. Тайёрланаётган маҳсулотлар хорижликларга манзур бўлди. Меҳмонлар харидоргир моллардан 32 хилини Хитойга олиб кетишмоқчи. Энди икки томонлама келишувга мувофиқ Андижон шаҳридаги марказий универмаг қошида махсус фирма дўкони очилади. Аҳдлашувга кўра фойда иккига тақсимланади. Яқин кунларда андижонликлар харидоргир маҳсулотларга кўпроқ буюртма бериш учун Урумчига боришмоқчи.

ҲАКИМЛАР АҲДИ

ХИТОЙ нафақат ўзининг мафтункор чинниси, гиламларидан ташқари табобати билан ҳам дунёга машҳур. Сеҳрли бармоқ соҳиблари қадим-қадимдан беморларни уқалаш, доривор гиёҳлар ёрдамида даволаганлар. Яқинда ана шундай хитойлик шифокорларнинг бир гуруҳи вилоятнинг турли жойларида бўлишди. Улар Андижон шаҳридаги енгил саноат ходимлари тиббий санитария қисмида ишлашга аҳд қилишди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, табиблар фарзандсизлик, қанд, пес касалликларидан кишиларни халос қилишаркан.

ЗАВОД ХУСУСИЯТИНИ ЎЗГАРТИРДИ

АТРОФ муҳитни ифлослантираётган, мусаффо ҳавони заҳарлаб одамлар саломатлигига путур етказаётган Андижон гидролиз заводининг йўналишини ўзгартириш осон бўлмади. Халқ ноиблари, жонкуяр кишилар турли маҳкама, юқори ташкилотларга тўхтовсиз қатнадилар. Ниҳоят корхона ўз хусусиятини ўзгартиришга киришди. Бундан кейин халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Биринчи навбатда терига ишлатиладиган суртма ёғлар, шампунлар тайёрланади.

Заводнинг йилига 1 миллион декалитр спирт тайёрлайдиган цехи таъмирланмоқда. У фойдаланишга топширилгач ҳар куни 400 тонна ем тайёрлаш имконияти яратилади. Ҳозир йилига 15 миллион дона пишиқ ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган цех қурилиши ҳам бошлаб юборилди.

Ф. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Яқинда пойтахтимизда шаҳар буйрак касалликлари маркази очилди. Марказ сунъий буйрак хирургияси ва терапия бўлимларидан иборат бўлиб, ҳозирча ҳар бир бўлимда 30 тадан бемор даволаниши мумкин. 8 ўринга эса «сунъий буйрак» ўрнатилган. Келгусида кенг кўламда беморларга хизмат қилиши мўлжалланмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. Бош врач ўринбосари Евгения Холидова беморга ташхис қўймоқда. 2. Марказ бош врачи Сайдулло Ҳикматуллаев касаллик варақасидаги аҳвол борасида шифокорлар билан маслаҳатлашмоқда.

В. ТУРАЕВ олган суратлар.

БУРЧ, МАСЪУЛИЯТ ВА ВИЖДОН

ЕКИ ЯНА ТОПТАЛГАН БОЙЛИГИМИЗ ҲАҚИДА

Кейинги пайтларда республикамизда қатор қонунлар қабул қилинди. Улар орасида миллий ғуруримизни англаб етишга, унутилган қадриятларимизни тиклашга ёрдам берадиганлари анчагина. Шулардан бири Ўзбекистон ССРнинг давлат тили ҳақидаги қонундир.

Муддати етиб қонун кучга кирди. Хўш, икки йил мобайнида ушбу муҳим ҳужжат бўйича нималар қилинди? Аввало, айрим жойларнинг номларини ўзгартирдик. Бироқ ҳали бу борада қилинажак ишларнинг кўлами ниҳоятда кенг. Яна баъзи муассаса ҳамда корхоналарда ўзбек тилини ўқитиш бўйича турли курслар очилди.

Айни пайтда яна лоқайдмиз. Ниманидир кутяпмиз. Лекин, афсуски, вақт бизнинг фойдамизга ишлаётгани йўқ. Бундай сусткашликка йўл қўйишимизни қандай баҳолаш мумкин? Ахир, шу қусур эвазига тилимизни йўқотаёзган эдикку.

«Тил миллатнинг улкан бойлиги ва бебаҳо мулкидир», — дейилади Ўзбекистон ССРнинг давлат тили ҳақидаги қонунда. Мана шу улкан бойлигимизни сақлаш ҳамда унинг қадрини тиклашни ўзларининг виждони бурчлари деб англаётганлар ҳам орамизда анчагина.

Яқинда менга Тошкент олий милиция мактабининг талабаси Рамиз Зоҳиров мурожаат қилиб деди:

— Қашқадарё вилоятиданман. Ўрта мактабни ўзбек тилида тугатдим. Ҳозир эса рус тилида билим олишга мажбурмиз. Ахир мен ўқишни тугатиб, Россиянинг бирон-бир қишлоғида эмас, юртимда хизмат қиламан-ку? Шу сабабли ўқиш она тилимизда олиб борилиши керак эмасми? Рус тилини ўрганиш ҳам лозимлигини тушунамиз. Уни баҳоли қудрат ўрганаяпмиз.

Кейин у Москвада чоп этиладиган «Шит и меч» рўзномасини кўрсатди.

— Мана бу мақолага эътибор беринг-а. Бизнинг олийгоҳ тўғрисида марказдан келган мухбир қайси тилда ўқишимиз кераклиги ҳақида ёзибди. Башорат қилишини қаранг. Бунга қарши биз кўпчилик номидан раддия ёздик, — дея у қўлимга қоғоз тутқазди.

Мен талабаларнинг мактубини қайта-қайта ўқиб чиқдим. Остига 74 киши имзо чекканди. Тўғри, кишита қанчалик зўғум, тазйиқ ўтказилса чидаши мумкин. Лекин унинг ғуруригa тегилса борми... Чамаси рўзномадаги мақола ҳам талабаларга ёмон таъсир қилган кўринади.

Унга «Қайси тилда ўқитмоқ керак?» деган сарлавҳа қўйилганди. «Ўзбекистонда ўзбек тилига давлат мақоми берилиши ҳақида қонун қабул қилинди. Эндиликда у давлат тили бўлиб ҳисобланади. Яхши, тўғри қонун. Лекин... Бажарилиши қийин бўлган қонун. Айниқса, уни бажариш СССР Ички ишлар вазирлигининг Тошкент олий мактабида катта ва мушкул ишдир».

Муаллиф ўз мақоласини айнан шундай сўзлар билан бошлаб, ушбу олийгоҳда ўқишни қайси тилда олиб бориш лозим деган мазмунда фикрлай бошлайди. Қуйироқда эса: бу ерда турли миллат вакиллари — тожиклар, қозоқлар, қирғизлар, туркманлар таълим олишади. Агар ўқиш давлат тилида олиб борилса, бу бошқа миллат вакилларининг нафсониятига тегмасмикан, — деган ечимга келади. Муаллиф шундай савол билан талабалардан С. Омарбеков, Ш. Қошиқбоев, А. Асомиддинов, А. Аулов, А. Маҳмудов, А. Сулаймонов ва бошқаларга мурожаат қилади. Улар эса: «Ҳозир биз рус тилини батафсил ўрганиб олишимиз учун охирги имкониятимиз бор. Уни бизга махсус ўқитишади. Афсуски, бу кам. Шу сабабли биз олдин рус тилини батафсил ўрганиб, кейин ўқишни бошласак» деган фикр билдиришади.

Қизиқ, ўзбек тилига давлат мақоми берилган бўлса-ю, мақоладаги суҳбат мазмуни рус тилини ўрганиб, шу тилда илм олиш ҳақида кетаётгани кишини ҳайрон қолдиради. Мана шунга олийгоҳ талабалари эътироз билдириб: «Тошкент милиция олий мактабида ўзбек тилида ўқитилишига муносабатингиз қандай?» — деб рус гуруҳларида ўқиётган ва ўқишлари керак бўлган талабалардан сўралган. Ўзбек тилида ўқиймиз деб ариза бериб, мурожаат қилганлардан эса бир оғиз ҳам сўралмаган. Агар сўралган бўлса ҳам, у ҳақда ҳеч нарса ёзилмаган. Юқоридаги фамилиялари келтириб ўтилганлар жавоби бизни ранжитди. Чунки мактабимиз ҳуқуқшуносларни тайёрлайди. Ўқувчилардан бир томонлама олинган интервьюда гўё юридик фанлардан эмас, рус филологиясидан мутахассис бўлиш учун ўқишга киргандек бўлиб қолган. Бу тилдан мутахассис бўлишни хоҳловчилар учун Тошкентда «Рус тили ва адабиёти» олийгоҳи мавжуд-ку».

Талабаларнинг бу фикрларига қўшилмасдан иложимиз йўқ, албатта. Ушбу жумлаларда истеҳзо оҳанги сезилса ҳам ўринли. Татьяна Константинова олийгоҳдаги бир неча ўқитувчилар билан ҳам суҳбатлашиб, улардан ҳам талабаларни ўзбек тилида ўқитиш моддий жиҳатдан анча мураккаб деган жавобни олади. Мақоланинг бошидан охиригача айнан мана шу «ғоя» мана мен деб туради. Ниҳояда эса марказдан келган мухбир қайси тилда ўқиш талабаларнинг ўзларига боғлиқлигини айтиб ўтишни ҳам унутмайди. (Ахир демократия даврида яшаяпмиз-да). Мақоладаги айнан шу руҳ талабаларни қўлга қалам олишга мажбур қилган экан.

— «Шит и меч» рўзномасида чоп этилган мақолани биз атрофлича муҳокама қилдик, — дейди олийгоҳ бошлиғининг шахсий состав билан ишлаш бўйича муовини, милиция полковниги Турсунбой, Бойбуваевич Тўйчиев. — Афсуски, у тилимизга давлат мақоми берилмасдан илгари ёзилган экан (Мухбирнинг тезкорлигини қаранг).

— Мақола мазмунига қарши фикр билдирган талабалар ҳақида қандай фикрдасиз? — деб сўрадик ўндан.

— Мен уларнинг ҳар бири билан шахсан суҳбатлашиб чиқдим. Фикрларига қисман қўшиламан. Лекин улар бироз шошилишган.

— Қайси маънода?..

— Бу улар ўйлаганлардек тез ҳал бўладиган масала эмас. Хоҳласак-хоҳламасак биз уларни ўзбек гуруҳига ўтказа олмаймиз. Чунки улар ҳозир 3-курсда ўқишмоқда. Қонун эса 1989 йили чиқди.

— Ахир ҳозир давлат тили...

— Фикрингизга қўшиламан. Мана шу қонун қабул қилинганидан сўнг биз ҳам имконият даражасида ҳаракат қиляпмиз. Қўл қовуштириб ўтирганимиз йўқ, албатта. Шу пайтгача ўзбек тилида учта группа очдиқ. Биз ўқишга келган ёшлардан: қайси тилда ўқийсан, — деб сўраймиз. Агар у ўзбек тилида ўқишни хоҳласа, марҳамат. Шу мақсадда биз 1989 йиллиёқ ўзбек группасини очгандик.

— Мабодо бутун мактаб талабалари ўзбек тилида ўқиймиз дейишса-чи?

— Бундай бўлиши мумкин эмас. Чунки мактабимиз Москва тасарруфида. Биргина Россиянинг 48 вилоятидан бизга ўқишга келишади. Яна Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларидан келган талабалар бор.

— У ерларда Олий милиция мактаби очилмаганми?

— Душанбе шаҳрида 1981 йили мактабимизнинг тармоғи бўлган сиртқи бўлим очилганди. Уни ҳам ўқитувчисидан тортиб фаррошигача биз маблағ билан таъминлаймиз. Лекин ҳамма нарса иқтисодга бориб тақалади. Мана, айтайлик, шу давлат тили ҳақида қонун чиқди. Дастлаб биз ҳисоб-китоб қилиб қонун ижроси учун йилига 180 минг сўм маблағ кераклигини аниқладик. Шуни ундириш мақсадида Москвага мурожаат қилсак, улар: сизлар республика ҳукумати раҳбарларига учрашинглар. Сабаби расмий жиҳатдан бизга бўйсунсангиз ҳам бу тадбир республикангизга тегишли, деб айтишди. Шундан сўнг республика Вазирлар маҳкамасига бу масалани қўйдик. У ердан: сизни Москва маблағ билан таъминлаши керак, — деган жавобни олдик. 2-3 бор қатнаганимиздан сўнг ҳам бирон натижа чиқмади. Бундай аҳволда бирон иш қилиб бўладими ахир. Юқорида айтганимдек шунга қарамай имконият даражасида ҳаракат қиляпмиз.

Суҳбатимизга олий милиция мактабининг партия ташкилоти котиби, ички ишлар хизмати майори Орифжон Неъматович Илҳомов ҳам қўшилди.

— Кейинги пайтда журналистлар билан суҳбат ўтказилса ўларга турли муаммоларни санаб бериш одат тусига кириб қолаёзди, — дейди у. — Бизда ҳам бундай муаммолар бор. Бу ҳақда кейинроқ гапираман. Тилимизга давлат мақоми берилгач, бошим осмонга етди. Лекин 70 йил давомида «бутаб» келинган дарахтнинг пойасини ўзгартириш осон бўлмаган. Албатта байналмилаллик байроғи остида. Шахсан менинг ўзим ҳуқуқшунослик фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун икки йил рус тили курсига қатнашганман. Ўзбек тилида диссертация ёзиш кулгили ҳол эди. Мана она тилимизга нисбатан беҳурматлик қандай бўлган. Энди эса она тилимизга меҳрибончилик қилаётганлар ниҳоятда кўпайиб кетишди. Мана шу кимсалар чўқурроқ ўйлаб кўриб, буйруқ эмас, йўл-йўриқ кўрсатишса кўнгилдагидек бўларди. Биздаги муаммоларга келсак, мактаб бўйича бironта ўзбек тилида машинка йўқ. Ўқув қўлланмаси учун босмахонага борсак, «қоғоз йўқ» дейишади. Шундай шароитда қонунни амалга ошириб бўладими? Лекин мен ҳам ўзбекман. Миллий ғурурим бор. Тил ҳақида бошқалар қанчалик қайғуришса, бизга ҳам бу туйғу бегона эмас. Мана шахсан мен ўзим ҳуқуқшунослик луғати устида ишлаяпман. Яқинда Қозоғистондан келиб давлат тили ҳақидаги қонунни олийгоҳда қандай амалга ошираётганимиз ҳақида тажриба ўрганиб кетишди. Айтишларига қарганда, қилаётган ишларимиз уларда яхши таассурот қолдирган.

— Таҳририятга мактуб олиб борган талабалар ҳақида қандай фикрдасиз?

— Мен ҳам уларнинг баъзи фикрларига қўшиламан. Мактубларида мен сизга айтиб ўтган муаммоларни ҳам қўшиб кетишганда айни муддао бўларди.

Олий милиция мактабидан қайтаётиб, москвалик мухбир, таҳририятга раддия олиб келган йигит ва олийгоҳ раҳбарияти билан қилган суҳбатим ҳақида мулоҳаза юрита бошладим. Тўғри, ҳар бир кишининг ўз она тилини ҳурмат қилиши, унинг инсоний бурчидир. Агар ҳар биримиз бунга амал қилганимизда ҳозиргидек аҳволга тушиб қолмасдик, албатта. Юқорида номи тилга олинган Рамиз Зоҳиров ва унинг дўстлари мана шу бурчни унутишмаган. Уларни бошқалардан ажратиб турадиган нарса — лоқайд эмаслар. Республикамизда яшаётган бошқа миллат вакиллари олдида ҳам масъулият турибди. Бу ҳам бўлса маҳаллий миллат аҳолисининг тили, маданияти ҳамда урф-одатини ҳурмат қилишлари керак. Мана шу урф-одатларни Тошкентдаги олий милиция мактабининг раҳбарлари турли миллат вакиллари сабоқ оладиган масканда янада кенгроқ тарғиб қилсалар айни муддао бўларди. Бularга қанчалик амал қилиш эса кишиларнинг виждонига ҳавола.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Фарғона янгиликлари

ДАСТГОҲЛАР ХОРИЖДАН КЕЛТИРИЛАДИ

ФАРҒОНА ёғ-мой комбинатида хушбўй сифатли атир совун ишлаб чиқариш мақсадида янги цех қурилиши бошланди. Иш шу тахлитда кетса, корхона кейинги йилдан маҳсулот чиқара бошлайди. Цехда замонавий хорижий дастгоҳлар ўрнатилиши режалаштирилди. Шунга буюртма берилди. Фақат юмушларни тезроқ ҳал қилиш учун 4 миллион сўмлик валюта керак бўларкан. Ҳозирча бу муаммо ҳал бўлмай турибди. Цех ишга тушгач соатига 4 тонна хушбўй атир совун ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади.

«ИЛҲОМ» КУМАКЛАШАДИ

ЯҚИНДА Фарғонада Совет-Қувайт ҳамкорлигидаги «Совхалиж» уюшмасининг «Илҳом» филиали ташкил этилди. Бозор иқтисодиёти амал қила бошлагандан сўнг тилимизга маркетинг, маркетинг тадқиқоти сингари сўзлар кириб келди. Бозорда нима бисёрлигини аниқлаш, харидор талабини ўрганиш, маҳсулот ишлаб чиқаришни талабга мослаш йўл-йўриқлари маркетинг сўзининг ифодасидир.

Бирор корхона янги дастгоҳ сотиб олмоқчи. Уни қаердан ва қандай йўллар билан харид қилишни билишмайди. Ана шундай пайтда корхона, ташкилот ишбилармонларига «Илҳом» ёрдам беради. Филиал ходимлари, маркетинг тадқиқоти ўтказиб керакли нарса хусусида маълумот беришади. Уни олиш ва келтириш йўл-йўриқларини ҳам кўрсатишади.

Агар корхона раҳбарлари хоҳлашса «Илҳом» мутахассислари ўша дастгоҳни ишлаб чиқарадиган фирма билан алоқа шартномаларини тайёрлаб беради. Ҳозир филиал мутахассислари вилоят стоматология шифохонасини Японияда тайёрланган дастгоҳлар билан жиҳозлашга кўмаклашаяпти.

Т. ИСМАТУЛЛАЕВ.

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ — ЯНГИЛАНИШ ЙЎЛИДА

НАФИС САНЪАТ МАКТАБИ

Янги ўқув йили арафасида Тошкент шаҳрида ижтимоий фанларни чуқур ўрганиш режалаштирилган янги мактаб ташкил этилди. Хўш, бу ўқув масканининг мақсади, вазифаси, йўналиши нимадан иборат! Ўзбекистон ССР халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Ю. Н. Абдуллаев билан бўлган суҳбатимиз шу хусусда бўлди.

— Юсуф Неъматович, аввало янги ўқув юртини ташкил этиш қандай заруратдан келиб чиққани борасида гапириб берсангиз.

— Дунёда ёш болаларга тарбия беришдек, унинг қобилиятига, иқтидорига яраша йўлни топишдек мураккаб иш бўлмаса керак. Шу жиҳатдан олганда ўнлаб йиллар мобайнида бизнинг таълим-тарбия йўлимизда ҳам четга бурилишлар, зўрма-зўракиликлар бўлиб турдики, бу бизга катта сабоқдир. Жумладан, ҳаммага бир хилда тарбия берамиз, қобилиятли болага алоҳида тарбия йўли танлаш яроқсиз, инсоний бўлмаган усул, деб қараган вақтларимиз ҳам бўлган. Бутун дунёда иқтидорли болаларни излаш, уларнинг талант, қобилиятларини максимал даражада ривожлантириш учун кураш кетаётган бир даврда ҳам биз юқоридагидек нотўғри тушунчалар билан ишладик. Бугунги кунда иқтидорли болаларни тарбиялаш, уларга билим бериш хусусида вазирлигимизнинг ўзида ҳам дастурлар ишлаб чиқилган. Тошкент шаҳрида, вилоятларда салоҳиятли ёшлар мактаб-интернатларда тарбия олаяптилар. Бу борада ҳам биз кўпроқ бир томонлама иш тутганимиз маълум бўлиб қолди. Масалан, асосан физика, математика, кимё каби табиий фанларни чуқур ўргатадиган мактаб-интернатлар ташкил қилибмиз-у, ижтимоий фанлар, маданий, бадиий соҳаларга эътибор бермабмиз. Бутун таълим-тарбия жараёнининг юзини инсонга қаратиш муаммосини ҳал қилаётган бир пайтда ижтимоий фанларни, санъатшуносликни чуқур ўргатадиган мактаб-интернат ташкил этдик.

— Мактаб-интернатнинг моддий базаси, унинг вазифаси, кимларни қабул қилиш тўғрисида ҳам икки оғиз фикр билдирсангиз.

— Ҳаммага маълумки, буюк Алишер Навоий ғоят эзгу ғояларни олға сурган, инсонийликка катта ихлос қўйган шоир эди. Шунга кўра биз Тошкент шаҳридаги 111-мактаб-интернат негизида ташкил топган янги мактаб-интернатимизни Алишер Навоий номидаги нафис санъат мактаби деб атадик. Унда жумҳурият бўйича ўзбек тили ва адабиёти, тарих, санъатшуносликка ихлос қўйган йигит ва қизлар таҳсил олишади. Мактаб-интернатга ихтисослаштирилган фанлардан ёзма имтиҳон, касбга оид суҳбатдан ўтганлар тўққизинчи синфга қабул қилинади. Қабул жараёнида олимпиадаларнинг ғолибларига, ижтимоий фанлардан лаёқати бўлган ёшларга имтиёзлар яратилади. Дастлабки танлов вилоят ҳалқ таълими бўлимида, ҳал қилувчи имтиҳон-суҳбатлар 20—25 август кунлари ўқув юртининг ўзида ўтказилади. Қабулдан муваффақиятли ўтганлар уч йил ўқишади. Ўқув машғулотлари ўзбек тилида олиб борилади. Бундан ташқари ўқувчилар инглиз ва шарқ тилларини ҳам махсус дастур асосида чуқур ўрганишадилар.

— Санъатшуносликка ихлос қўйган йигит ва қизлар қабул қилиниши ҳақида гапирдингиз. Уларни ўқитишда нималарга эътибор берилади!

— Мактабимизнинг ўқув режасидан ҳуснихат, нутқ маданияти, эски ўзбек ёзуви, стилистика, Ўзбекистон маданияти ва санъати, ўзбек халқи этнографияси, мусиқа каби предметларга ҳам ўқув соатлари ажратилган. Мана шулардан кўриниб турибдики, ўқув юртида ёшларимизга миллий маданият, санъатдан ҳам қўламли тушунчалар беришга ҳаракат қиламиз. Бундан ташқари, танланган факультатив машғулотлар, фанлар ўқувчиларнинг ўзлари қизиққан, улар мойил бўлган касбни танлаш имконини беради. Ушбу дарслардан мазкур касбга оид фанни ёки асосий бўлмаган фанларни чуқурроқ ўрганиш учун фойдаланиш мумкин. Булар қаторига шарқ халқлари тиллари, «Нотиқлик санъати», «Мантиқ», «Бадиий нафосат ва маданият», «Этнография» ва бошқалар киради. Шунингдек, овозни ривожлантириш, халқ рақслари, театршунослик маҳорати, амалий санъат бўйича ҳам машғулотлар ўтказиш кўзда тутилган.

Фурсатдан фойдаланиб бир нарсани айтиб ўтмоқчиман, юқоридаги соҳаларга қизиққан, шу борада болаларга сидқидилдан тарбия беришни истаган ўқитувчиларимизни ўқув юртига таклиф этамиз. Улар танлов асосида ўқув юртига ишга қабул қилинадилар.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат. Ўқув юрти ишига муваффақиятлар тилаймиз.

Суҳбатдош:
Туроб МАҚСУД.

«ЁШ ОИЛА» ХИЗМАТДА

БОЗОР иқтисодиёти ҳамма томондан кам таъминланган оилаларни исканжага олаяпти. Шу кунларда тўй ёки бирор маъракa қилмоқчи бўлган хонадон соҳибининг бозордан нарса олиши осон кўчмайди. Шуларни ҳисобга олган Калинин райони раҳбарлари «Ёш оила» магазинини очишди. Одамлар тўй ёки маъракa арафасида ўзларига керакли озиқ-овқат маҳсулотларини бу ердан бемалол харид қилишади. Ҳозир райондаги ҳар бир қишлоқ совети ҳудудидаги битта дўконда ана шундай бўлим фаолият кўрсатмоқда.

ФОЙДАЛИ АЙИРБОШЛАШ

РАЙОН совети ҳузурида ташкил этилган «Шарқ» кичик корхонаси Красноярск ўлкасининг Лесосибирск шаҳрида «Ўзбекистон» савдо дўконини очди. Ҳозир деҳқонлар узоқ ўлкага узлуксиз сабзавот, полиз маҳсулотлари жўнатиб туришибди. Ўрнига эса қурилиш ашёлари олинаяпти. Шу йўл билан келтирилган бир ярим минг куб метр ёғочтахта аҳолига сотилди.

И. ДИЛМУРОДОВ.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг раёсати, «Плем-элита» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоалари Жиззах вилояти, Бахмал районидаги «Бахмал» давлат хўжалигининг директори

Абдувоит УСАНОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига ва қариндош-уруғларига таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Н. С. САЪДУЛЛАЕВ.

Таҳрир ҳайъати: А. А. АБДУЛЛАЕВ, Ф. Й. АБДУРАҲИМОВА, И. Г. ВОЛКОВ, Д. М. ҒУЛОМОВА, С. С. ҒУЛОМОВ, З. И. ЕСЕНБОЕВ, А. И. КОВАЛЕВ (масъул котиб), Л. П. ҚАЮМОВ, Тоҳир МАЛИК, М. МУҲАММАДҚУЛОВА, С. Ф. МУҲИДДИНОВ (масъул котиб), Т. Э. НАЗАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), З. Қ. НЎРМУҲАМЕДОВ, Л. Н. ПАК (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Р. ПИДАЕВ, М. РУЗИМАТОВ, О. Р. САИДОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), В. Н. СИГЕДИН, Ш. ТЕМУРОВ.

МУАССИС: Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши
МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП
Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй
Телефонлар: 32-09-67, 33-07-48. Индекс: 64608. Буюртма № 5837.
118800 нусхада чоп этилади.

Узбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри, 700083. Ленинград кўчаси, 32-уй. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди: 01.00. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12